9 ЯНВ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 6 (20.873). 1991 йил 8 январь, сешанба. ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 12 тийин.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ҲАЁТИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Пахта заводининг 100 йиллик тўйи

● Урганч пахта заводининг 100 йиллик тўйи жуда завқли бошланди. Эрта тонгдан нуроний отахон ва онахонлар корхонага, ўз иш жойларига кириб келишди. Тузатиш-қуриш бригадасининг бошлиғи Исмоил Иброҳимов, толани тонфаларга ажратувчи Матназар Каримов, ҳисобчи Юсуфбой Ҳакимов, ёнғиндан сақлаш соқчиси Қулур Сабуровлар, айниқса, иззат-икром билан кутиб олинди. 45—50 йиллик узлуксиз иш давомида улар қандай қийинчиликларни кўришмади, дейсиз!

Кўпгина фахрийлар оила аъзолари билан келган эдилар. Тантаналарда заводнинг олти нафар собиқ директори қатнашди, улар тола ажратишдек оғир меҳнатга ўз умрининг неча ўнлаб йилини сарфлаганлар.

Завод Хива хонлиги давридаёқ қурилган эди. Маҳаллий ишчилар рус ва немис усталари раҳбарлигида меҳнат қилганлар. Бу — Хоразмдаги биринчи саноат корхонаси эди. Ўшанда унинг мотори буғ ёрдамида айлантирилар, тола қўлда тойланарди. Асбобускуналар АҚШдан келтирилганди.

Энди Урганч пахта тозалаш заводи вилоятнинг йирик саноат корхонасига айланди. У ерда қўл меҳнати деярли қолгани йўқ. Меҳнат ва дам олиш шароитлари яхшиланди. Заводда иккита болалар боғчаси, лимонзор, ёрдамчи хўжалик, сауна, ҳовуз, спорт майдони, ошхоналар бор. Корхона дунёнинг ўнлаб мамлакатлари билан алоқа боғлаган.

Шонли санага бағишлаб бу ерда очилган корхонанинг янги музейига қўйилган буюмлар завод тарихига оид мана шу бошқа кўпгина қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилади.

Ю. ИБРОҲИМОВ.
ЎзТАГ мухбири.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг
ФАРМОНИ

ЕР ИСЛОҲОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ер ислоҳоти ўтказишни фаоллаштириш, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллари самарали амал қилиши учун шароит яратиш, ерга эгалик қилишдаги ҳукмронликни тугатиш, деҳқончилик шўъбасида кўп поғонали иқтисодиётга ўтиш ва шу асосда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни муттасил кўпайтиришга эришиш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Жумҳуриятларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталари 1991 йилнинг биринчи ярмида колхозлар, совхозларда, ўрмон хўжаликларида ва бошқа ердан фойдаланувчиларда оқилона фойдаланилмаётган ерларни, шу жумладан, ССЖИ вазирликларига ва идораларига бериб қўйилган ерларни рўйхатга олишни таъминласинлар.

Оқилона фойдаланилмаётган экинзорлар ҳисобига халқ депутатлари маҳаллий Советларининг махсус ер фонди тузилиб, тузилаётган деҳқон хўжаликларига, ижарачиларга, қишлоқ хўжалик ширкатларига, шунингдек, фуқароларга шахсий томорқа хўжалигини юритиш, дала ҳовлилар қуриш, боғдорчилик ва полизчилик учун шу фоннинг ерларидан бериб қўйилсин.

Аҳолининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш учун шу йилнинг кўкламидаёқ 3-5 миллион гектар ер биринчи галда топилиб, ажратиб берилсин.

2. Жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларига томорқа ерларидан фойдаланишни ривожлантиришда шахсий ёрдамчи хўжаликлар боғдорчилик ва полизчилик кенгайтирилишига ҳалақит бериб келган барча асоссиз чеклашларни бекор қилиш тавсия этилсин. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталари ерларни ажратишда вужудга келадиган ҳамма масалаларни зудлик билан бир ой муддатдан кечиктирмай кўриб чиқсинлар ва узил-кесил қарорлар қабул қилсинлар.

3. Жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларига, халқ депутатлари ўлка ва вилоят Советларига ҳар бир минтақа бўйича деҳқон хўжаликларига ва қишлоқ хўжалик ширкатларига давлат йўли билан ёрдам бериш системасини ишлаб чиқиш, унда, айниқса, бу хўжалик ва ширкатлар қарор топаётган даврда уларга имтиёзли шароитлар ва иқтисодий рағбатлантириш тадбирларини кўзда тутиш тавсия этилсин. Бунда деҳқон хўжаликларига умрбод фойдаланиш мерос қилиб қолдириш учун ва ижарага олиш учун бемалол ер участкалари ажратиб берилишини назарда тутиб иш қилинсин.

ССЖИ ҳукумати ва жумҳуриятларнинг ҳукуматлари деҳқон хўжаликларини ободонлаштириш, уйлар, турли хўжалик иморатлари қуриш учун 1991 йилда бинокорлик материалларининг бозор фондлари камида 1,5 баравар кўпайтирилишини таъминласинлар. Шу мақсадда ҳар бир жумҳурият, ўлка ва вилоятда қишлоқлардаги янги қурилишларни зарур ашёлар билан таъминлаш учун ашё-қурилиш саноатини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилсин.

Халқ депутатлари Советларининг ижроия қўмиталари фуқароларнинг маҳаллий қурилиш ашёларига бўлган эҳтиёжларини тўлатўкис таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

4. ССЖИ ҳукумати, жумҳуриятларнинг ҳукуматлари ер ислоҳотини амалга ошириш чоғида самарасиз ишлаётган колхоз ва совхозларни деҳқон хўжаликлари, ширкатлар уюшмасига айлантиришнинг, шунингдек, уларнинг ерларини ижарачиларга, деҳқон хўжаликларига, саноат корхоналари ва бошқа корхоналарга беришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва шаклларини белгиласинлар.

Колхозлар, совхозларни ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини мажбуран тарқатиб юборишга йўл қўйилмасин.

5. ССЖИ ҳукумати иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари билан биргаликда 1991 йил 1 мартгача меҳнат ресурслари билан етарли равишда таъминланмаган қишлоқ ноҳияларига бошқа минтақалардан, шаҳарлардан ва саноат марказларидан кўчиб келувчиларни, шунингдек, заҳирага бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларни жалб қилишга кўмаклашувчи ташкилий-иқтисодий тадбирлар системасини ишлаб чиқсин.

6. Жумҳуриятларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталари саноат, қурилиш, транспорт корхоналари ва бошқа корхоналарни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш учун экинзор ерлар билан таъминлаш тўғрисидаги масалани бир ой муддатда кўриб чиқсинлар.

7. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларига жумҳуриятларнинг ер кодексларини тезроқ ишлаб чиқиб, 1991 йил биринчи чорагида қабул этиш тавсия қилинсин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 5 январь.

УЮШМА ИШ БОШЛАМОҚДА

Ўзбекистон ССЖ шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси ўзининг биринчи мажлисини ўтказди.

Уюшмани тузишдан кузатилган асосий мақсад — озиқ-овқат етиштиришни кўпайтиришдан, ёрдамчи хўжаликлар аъзоларининг ўзини шундай маҳсулотлар билан таъминлашдан, ортиқча маҳсулотларни давлатга, ширкатларга, бозорда сотишдан, ишчи ва колхозчиларнинг ялпи даромадини кўпайтиришдан, қишлоқларнинг ижтимоий муаммоларини тезроқ ҳал этишдан, ернинг ҳақиқий эгасини тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Уюшма бир қанча муҳим ташкилий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишга кўмаклашиши, шахсий хўжаликлар эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиши, уларга ҳуқуқий, усулий ва бошқа ёрдам бериши лозим. Уюшманинг фаолияти демократия, ошкоралик қоидаларига, унинг аъзолари шахсий ташаббусига, хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга асосланган.

Мажлисда хўжаликларда, ноҳия ва вилоятларда уюшманинг бошланғич ташкилотларини тузиш масалалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотини харид қилиш тўғрисида шартнома тузиш, янги аъзоларни қабул қилиш қандай бораётганлиги кўриб чиқилди. Молиявий масалалар, шунингдек шахсий хўжаликларнинг эгаларини ихчам механизмлар ва бошқа ашёлар билан таъминлаш муаммолари ҳам муҳокама қилинди. Уюшманинг 1991 йилги иш режаси белгиланди.

Мажлисда Ўзбекистан ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

Қишлоқ оқшомлари

ДЕҲҚОН КЎНГЛИ ТЎҚ

Бугунги кунда қишлоқ кишиларининг турмуш шароитини яхшилаш, уларга ҳар томонлама қулайликлар бунёд этиш асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Хонқа районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг энг узоқ жойдаги қўрғонларидан бири — Карамаз поселкаси кейинги йилларда тобора чирой очиб бормоқда. Фақатгина ўтган икки йил давомида бу ерда болалар боғчаси, мактаб, ҳаммом, маданият саройи, универмаг ва саломатлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ва участка шифохонаси қурилиши якунланиш арафасида. Жамоа хўжалиги аъзоларининг уйларига газ ўтказилган. Йўллар асфальтланди.

Даромадга яраша буромад, деганларидек, хўжалик ҳар йили пахтачиликдан ва бошқа соҳалардан олган катта даромаднинг бир қисмини ижтимоий масалаларни ҳал қилишга сарфлайди. Шу мақсад учун хўжалик йилига 1,5 миллион сўм пул тўлайди. Бу хўжалик даромадининг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

Шу сабабли хўжалик худудидаги учта поселкада замонавий уй-жойлар бунёд этилган. Ҳозирги пайтда бу уйларда икки мингдан зиёд колхозчи оиласи истиқомат қилади.

Демак, эзгу ишларни амалга оширса бўлар эканки? Қани энди жумҳуриятимиздаги барча қишлоқлар ҳам ана шундай обод бўлса. Бунинг учун фақат астойдил интилиш зарур.

Суратларда: 1. Охунбобоев номли колхознинг қурилиш майдонларидан бирида. (чапдан ўнгга) колхоз қурувчилар бригадаси бошлиғи Мурод Каримов, хўжалик бошқаруви раиси Мадамин Юсупов ва қурилиш бўйича бош мухандис Иброҳим Исмоилов. 2. Бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари янги маданият саройида. 3. Ҳар бир колхозчи оиласида сабзавот ва мева сақлашга мослаштирилган омборхона бор.

Қ. ОТАЕВ туширган суратлар. (ЎзТАГ).

КИЧИК НОВВОЙХОНА МЕҲМОН ҚИЛАДИ

● Нукусда очилган кичик корхона харидорларга нон-булка маҳсулотларининг жами ўн уч турини таклиф қилди.

Булар орасида хуштаъм батонлар, жимжимадор патирлар, буханкалар, булочкалар бор. Новвойхона гавжум жойда — марказий бозорда жойлашган.

Новвойларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилган бу бинони 166-қурилиш трестига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг жамоаси қисқа муддатларда бунёд этди.

Цехда Германиядаги «Винклер» фирмасининг технология линияси ўрнатилган. У бир кеча-кундузда 12 тоннагача сифатли нон маҳсулотлари тайёрлаш имконини беради.

(ЎзТАГ).

● Мухбирларимиз бонг уради

ҚЎЛ УЧИДА

Қаршига қаттиқ қаҳратон қиш бирдан бостириб келди. Қашқадарё воҳасида 18—20 даражали совуқ ноёб ҳодиса. Кексалар ҳам бундай қалин қор, изғирин совуқ илгарилари кам бўлганлигини таъкидламоқдалар. Мутасадди ташкилотлар қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш учун зарур чора-тадбирлар кўришлари лозим эди. Афсуски, ўтган йилнинг охирги ва январнинг дастлабки кунлари иссиқлик, табиий газ узатиш тармоқларининг айрим участкалари, баъзи қозонхоналар қаттиқ совуқ туфайли ишдан чиқди. Айрим жойларда қишга тайёргарликнинг қўл учида бажарилганлиги ана шундай аччиқ оқибатларга олиб келди.

ССЖИ 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси — Қарши шаҳридаги энг йирик саноат корхоналаридан бири. Вилоятнинг турли жойларида 9 та филиали бўлган бирлашманинг бош корхонасида 4 мингга яқин одам ишлайди. Бирлашмада тайёрланган бежирим, сифатли кўйлаклар харидоргир. Пештахталарда ётиб қолмайди. Жамоа белгиланган режаларни ўз муддатида адо этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Лекин совуқ иш маромига жиддий халақит бермоқда. Янги йил арафасида цехлардаги ҳарорат бирдан пасайиб кетди. Бирлашма бош механиги Баҳром Рустамовнинг хонасига кирганимизда, у қалин пўстинга бурканиб совуқдан қалтираб ўтирарди.

— Менга нотўғри ҳайфсан берилди, — дея тўсатдан шикоят қила кетди у. — Ҳолбуки бизнинг корхона территориясида ҳеч қандай авария содир бўлгани йўқ.

Маълум бўлишича, 31 декабрь куни корхонага навбатчи сантехник қўйилмаган. 29 декабрь куни Қашқадарё «Теплокоммунэнерго» вилоят бошқармаси сув бўлмай қолганлиги учун корхона, муассаса ва ташкилотларда иссиқлик узатишни бир соатга тўхтатганди. Назоратсизлик оқибатида тикувчилик бирлашмаси иссиқлик қувурларида сув музлаб қолган. Натижада цехлар ва кабинетларда ҳарорат тушиб кетди. Шу ҳодиса муҳокама қилинган бирлашма маъмурияти йиғилишида бош механик айбдор деб топилибди.

— Қувурларимиз анча эски, — дея айбни бошқаларга ағдаришда давом этди бош механик. — Янги материаллар беришни эса жумҳурият Енгил саноат вазирлиги пайсалга солянти. Маҳаллий совет, хўжалик органлари фондинг бўлмаса остоналарига ҳам йўлатишмайди.

Бу гапларда жон бор. Бирлашманинг биринчи тикувчилик цехида ишчилар совуқ туфайли унум кам бўлаётганидан шикоят қилдилар. Цех бошлиғи Валентина Ивановна Словинскаянинг хонасидаги ҳарорат атиги 6 даража иссиқ эди. Технолог Галина Харьковнинг бармоқлари қалам ушлашга ҳам қовушмасди. У бизни кўрибоқ:

— Қачон тузатасизлар бу иситиш системасини. Ахир ишлаб бўлмай қолди-ку, — дея қаттиқ товуш билан сўзлай кетди. — У бизни Қашқадарё «Теплокоммунэнерго» бошқармаси ходимлари деб ўйлаган экан. Танишгач, бироз ҳижолат чекди. Тикувчилик цехида одатда 18—20 даража иссиқ бўлиши лозим. Ҳолбуки, иссиқлик ўлчагич миллари аранг 10—12 даражани кўрсатиб турарди.

Қизиғи шундаки, вилоят бошқармасига қарашли қозонхоналар шундоққина бирлашма биқинида жойлашган. Агар қўшни корхонада аҳвол шу бўлса, сал наридаги истеъмолчилар аҳволи қандай экан?

Цех бошлиғи ҳароратнинг пасайиши туфайли кейинги кунларда меҳнат унумдорлиги кескин камайганлигини рақамлар билан изоҳлаб берди. Масалан, 2 январь куни плондаги 9 минг 560 дона ўрнига 7234 дона эркаклар кўйлаги тикилди, холос. Бу—кунлик режанинг 75 фоизидан зиёдроғини ташкил қилади. Валентина Ивановна ҳозиргина жумҳурият Енгил саноат вазирлигидан телефонограмма олганлигини, унда газ билан таъминлаш кескин камайиши айтилганлигини сўзлаб қолди. Демак, Қарши чеварларининг иш шароитлари бундан ҳам баттар мушкуллашар экан-да?

Бирлашманинг филиалларида ҳам аҳвол яхши эмас. Баҳористон туманидаги филиалда ҳам ўн кундан буён иш бўлгани йўқ. Директор Ҳадича Алиеванинг айтишича, қозонхона сифатли ёқилғи билан таъминланмаган. Филиал ишчилари яшаётган ётоқхонада чевар қизлар совуқдан шикоят қилишяпти.

Саноат корхоналаридаги каби турар-жой массивларида ҳам қишга тайёргарлик юзаки амалга оширилган экан. Шаҳарнинг Эркин кўчасида жойлашган қатор хонадонларга айни ана шу кунларда газ бериш тўхтатиб қўйилган. Улар бу борада шаҳар газ таъминоти корхонаси раҳбарлари шанига эътироз билдиришди. Хоналарда совуқ туфайли сув музлаган шароитда гўдаклар, қариялар ҳолати не кечади?

Шаҳар ҳалқ таълими бўлимига қарашли 9-ўрта мактаб, шаҳар тиш касалликлари поликлиникаси ва бошқа қатор муассасаларда ҳам аҳвол шу. Қувурлар ёрилган. Қарши темир йўл вокзалидаги шароитдан йўловчилар норози. Муҳташам бинонинг ойналари синиқ. Аччиқ шабада эсмоқда. Иситиш системалари ишламаяпти. Хўжасизликка ким барҳам бераркин?

Қашқадарё «Теплокоммунэнерго» бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д. Диёров айбни истеъмолчиларга тўнкашга уринди.

— Истеъмолчилар биз иссиқлик узатишимизни қачон тўхтатишимизни билишлари керак эди.

— Улар авария ҳолати ҳақида огоҳлантирилганми?

— Ҳа ёздаёқ уларга бу ҳақда айтган эдик.

Ажабо, ахир истеъмолчилар қайси куни тармоқда авария бўлишини қаердан билишсин! Д. Диёров бу ҳақда шаҳар ижроқўмига маълум қилингани ҳақида айтди.

Кўриб турибсизки, мутасаддилар айбни бир-бирларига ағдариш билан овора. Аҳоли эса азият чекмоқда.

Наҳотки, вилоят, шаҳар миқёсидаги тармоқ ташкилотлари раҳбарлари буни кўришмаса? Масъулиятсизлик, қўл учида иш қилиш бундан бошқа ҳолга олиб келмаслиги аввалдан аён эди. Эндиликда зудлик билан аҳволни ўнглаш, қисқа муддатларда иссиқлик, табиий газ узатиш тармоқлари меъёрида ишлашини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриш долзарб ишлардан бири деб ҳисоблаймиз.

Мусо КАРОМОВ,
Алишер ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

НАВОИЙ ЮБИЛЕЙИ ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Алишер Навоий туғилган кунинг 550 йиллиги яқинлашган сари жумҳуриятда бу тарихий санага тайёргарлик ишлари фаоллашмоқда. Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда юбилей рамзлари туширилган буюмлар ишлаб чиқариш масалалари кўриб чиқилди. Мажлисда жумҳурият вазирликлари ва идораларнинг раҳбарлари, бир гуруҳ рассомлар ва ҳайкалтарошлар иштирок этдилар. Мажлисни Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров бошқарди.

Юбилей арафасида чиқарилган ёки чиқаришга тайёрланаётган маҳсулотлар — ўзбек адабиёти классигининг қиёфаси тасвирланган ранг баранг буклетлар, солнома лар, хатжилдлар, кўкраг нишонлари, открткалар намойиш этилди. Рассомлар Навоий асарлари асосида сопол лаганлар, чинни гулдонлар яратдилар. Тошкент чинни заводи байрам мавзусига бағишлаб 150 минг сўмлик чойнак-пиёла тайёрлаш ниятида. Шоирнинг столга қўйиладиган ҳайкалчалари, унинг гиламдўзлар ўз маҳсулотларида тасвирлаган расмлари сотувга чиқарилади.

Мажлисда юбилей муносабати билан бажарилиши мўлжалланган ишларнинг барчаси ўз муддатида қилиниши мумкин ва шарт эканлиги таъкидланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

Йилни яхши бошлаганлар

ИЖАРА ҲИСОБ БЕРАДИ



Меҳнатни ташкил этишнинг янги илғор усуллари турмушимизга тобора чуқур сингиб бормоқда. Ижара, бригада, оила пудрати қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Кўплаб ижарачилар бу борада муайян ютуқларни қўлга киритишди.

Ўрта ёшли аёл Малика Умиряева ҳам ўтган йили ташаббус билан чиқди. У ўз оила аъзолари билан бирга Оҳангарон районидаги «Бирлик» ижара жамоасининг фермасини пудратга олди. Авваллари бу фермада 24 киши ишлар эди. Шунга қарамай ферма маҳсулдорлик тобора камайиб борарди. Кўпчилик астойдил ишламасада, ой сайин маошини канда қилмай олиб турарди. Режалар эса ўлда-жўлда қолиб кетарди.

— Мен бундай қарасам, фермада ҳали бери иш юришадиган эмас,— дейди Малика Умиряева.— Турмуш ўртоғим Абдукарим Ҳамидов билан маслаҳатлашиб, фермани ижарага олишга қарор қилдик. Шундан сўнг хўжалик билан шартнома туздик. Хўжалик бизга техникадан, ёқилғидан, озуқадан ёрдам берадиган бўлди. Фермани эса оила аъзоларимиз билан яхшилаб таъмирладик. Ҳозир фермада 5 киши ишлаяпмиз. Мен, турмуш ўртоғим Абдукарим Ҳамидов, тракторчи Ғаффор Бойчўпонов, сигир соғувчи Тўйғул Мусоқулова ва қизим Зуҳра Исомиддинова астойдил ҳаракат қиляпмиз. Эришган ютуқларимиз ҳам чакки эмас.

Ҳа, ижарачилар бошлиғи айтганидек, 1990 йилда ишлар юришиб кетди. Жами 166 бош қорамол меҳр билан парвариш қилинди. 25 бош соғин сигирнинг маҳсулдорлиги ошиб борди. Ҳозирги пайтда 84 бош ғунажин ҳам бор. Ижарачилар ўтган йили режа бўйича 16 тонна гўшт етиштиришлари керак эди. Улар йил охиригача 18 тонна бўрдоқи гўшти тайёрлашди. Давлатга 9 тонна маҳсулот етказиб берилди. Шуниси қувончлики, етиштирилган гўштнинг таннархи жуда арзон бўлди. Ижарачилар етиштирилган ҳар килограмм гўштнинг таннархини 2 сўм 40 тийинга туширишди. Бу кўрсаткич жумҳуриятимиздаги энг юқори кўрсаткичлардан бириди.

Хўш, ижарачилар бу ютуққа қандай қилиб эришдилар? Аввало озуқа сарфлашда тежамкорликка эришилди. Қорамолларга ем-хашак буғлатилган ҳолда берилди. Молхона ҳамиша тоза сақланмоқда. Механизация воситаларидан юксак унум билан фойдаланилаётир. Қолаверса, ижарачилар юксак масъулиятни ҳис қилиб меҳнат қилаётганликларини таъкидлаб ўтиш керак. Энг муҳими, меҳнат қилган хор бўлмайди, деганларидек, ижарачилар фермани ўз ҳақиқий хўжайини эканликларини ҳис этишди. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, уларнинг моддий манфаатдорлиги тобора ошиб бормоқда. Масалан, ўтган йили звено аъзолари ҳар бирининг ойлик маоши 300—350 сўмни ташкил этди.

Ижарачиларнинг бу йилги ниятлари ҳам чакки эмас. Улар ҳозирги кунларда чорва молларини қишловдан бехатар, семиз ва тўқ олиб чиқиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Суратларда: 1. Чорвадор қизи Зуҳра Исомиддинова, 2. Ижарачилар сардори Малика Умиряева. 3. Ижарачиларнинг озуқа хирмони. 4. Пешқадам чорвадор Абдукарим Ҳамидов.

В. МОЛГАЧЕВ туширган суратлар.

АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР

4 январь куни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашида «Истеъмол моллари ва хизматлар нархи ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг пул даромадларини индекслаш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонуни лойиҳасини шарҳлашга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. У жумҳурият Олий Кенгашининг иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қўмитасининг ташаббуси билан ўтказилди.

Семинар-кенгашни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров олиб борди.

Аҳоли даромадларини индекслаш моҳияти ва усуллари тўғрисидаги, бозор шароитларига ўтиш чоғида аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш тадбирлари ҳақидаги, нархларни индекслаш тўғрисидаги маърузалар тингланди. **(ЎзТАГ).**

ССЖИ Вазирлар Кенгашида

ЯНГИ ЙИЛДА ЭНЕРГИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

ССЖИ Вазирлар Кенгаши 1991 йилда электр энергетикаси, нефть ва газ саноатини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қарор қабул қилди.

Халқ хўжалигини ва аҳолини электр ва иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ССЖИ Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига ССЖИ ягона энергетика системасини бирлашмалар ҳамда ихтисослаштирилган трестларнинг ягона ишлаб чиқариш — технология комплекси сифатида бошқариш, электростанциялар қаерда жойлашганлиги ва уларнинг қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар уларнинг қувватидан фойдаланишни бошқариб туриш ҳуқуқи берилди.

ССЖИ Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг ҳукуматлари, вилоят ва ўлка ижроия комитетлари билан келишиб, оператив вазиятга ҳамда ССЖИ ягона энергетика системасида заҳираларнинг мавжудлигига қараб, энергетика бирлашмалари ва корхоналарининг алоҳида иш режимини жорий этиш ҳам топширилди.

ССЖИ ҳукуматининг қарори билан ССЖИ нефть ва газ саноати вазирлигига ҳамда «Газпром» давлат газ концернига мамлакатнинг нефть билан таъминлаш ва газ билан таъминлаш системаларини углеводородли хом ашё қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва ташишни ўз ичига олувчи ягона ишлаб чиқариш-технология комплекси сифатида бошқариш, нефть ва газнинг системалараро ва минтақалараро оқимини оператив бошқариб туриш ҳуқуқи берилди. Қарорда таъкидланадики, «Газпром» концернининг газни истеъмол қилиш ҳажми ва режимига тааллуқли кўрсатмалари барча истеъмолчилар ва газ етказиб берувчилар учун мажбурийдир.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши ССЖИ Давлат режа комитети, Нарх комитети ва энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг 1991 йил 1 январдан бошлаб ССЖИ Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг электр ва иссиқлик тармоқларидан истеъмолчиларга бериладиган электр ва иссиқлик энергияси тарифларини давлат йўли билан тартибга солишнинг вақтинчалик низомини жорий этиш тўғрисидаги таклифига қўшилди.

Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг ҳукуматларига халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ҳузурида минтақалар энергетикасининг ривожлантирилиши, истеъмолчиларни электр ва иссиқлик энергияси билан мутаносиб таъминлашга доир энергетик дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда энергетикани ривожлантириш ва газ билан тўлдирувчи автомобиль компрессор станциялари қуриш учун маблағ қидириб топиш устидан назоратни амалга ошириш учун энергетика комиссиялари тузиш тавсия этилди.

(ТАСС).

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ УЧУН ТЎЛАНАДИГАН ЙИҒИМ МИҚДОРИ ҲАҚИДА

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги ССЖИ Қонуни кучга кирганлиги munосабати билан ССЖИ Вазирлар Кенгаши жамоат бирлашмаларининг уставларини (низомларини, ўзга асосий ҳужжатларини) ССЖИ Адлия вазирлигида рўйхатга олиш учун тўланадиган йиғимларни қуйидаги миқдорда белгилади:

Умумиттифоқ жамоат бирлашмалари — 5000 сўм

Жумҳуриятлараро жамоат бирлашмалари — 4000 сўм

ССЖИда иш олиб борувчи халқаро жамоат бирлашмалари — 5000 сўм.

Жамоат бирлашмалари уставларини ўзгартириш ва уларга қўшимча киритиш учун ҳам уставларни рўйхатга олиш чоғида тўланган пулнинг 50 фоизи миқдорида йиғим тўланиши кўзда тутилади.

Ногиронлар, аёллар, ветеранлар, ёшлар ва болалар жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномалар имтиёзли шартлар билан берилади — бундай бирлашмалар тўлайдиган йиғим миқдори икки баравар камаяди.

Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш ҳамда бу уставларга кейинчалик ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан тушган барча маблағ Иттифоқ бюджетига ўтказилади.

ВАГОНЛАР ВА КОНТЕЙНЕРЛАР БЕКОР ТУРИБ ҚОЛГАНЛИГИ УЧУН ЖАРИМАЛАРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтда темир йўл вагонлари ва контейнерларидан фойдаланиш кескин ёмонлашди. Ҳар кеча-кундузда 30 мингтадан кўпроқ вагон белгиланган муддатда бўшатилмаяпти. Натижада халқ хўжалигининг юк ташишга ва энг аввало ёқилғи, руда-металлургия хом ашёси, ёғочтахта, озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларини ташишга бўлган эҳтиёжи тўла-тўкис қондирилмаяпти.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши вагонлар ва контейнерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида 1991 йил 1 январдан 30 апрелгача юк ортиш ва туширишдан ёки қайта ортиш учун топширилган вагонлар ва контейнерларни белгиланган муддатлардан ортиқ ушлаб турганлик учун ССЖИ темир йўллар уставида кўзда тутилган жарималар миқдорини 5 баравар оширишга қарор қилди. Ана шу оширилган жарималарнинг бешдан икки қисмини темир йўллар, юк жўнатувчилар ва юкни қабул қилиб олувчилар ихтиёрида қолдиришга, бешдан уч қисмини эса Иттифоқ бюджетига юборишга қарор қилинди.

ССЖИ Ташқи иқтисодий банки тўғрисида

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ССЖИ Қонунига мувофиқ Иттифоқ ҳукуматининг қарори билан ССЖИ ташқи иқтисодий банки ССЖИ Вазирлар Кенгаши давлат ташқи иқтисодий комиссияси қарамоғидан чиқарилди. Банк низомида кўзда тутилган вазифалар унинг зиммасида сақланиб қолди.

Ибодат буюмлари черковга қайтарилмоқда

ССЖИ Вазирлар Кенгаши диний ташкилотларнинг моддий маданиятини тиклашга кўмаклашиш мақсадида контрабанда тўғрисидаги ишлар божхонасининг қарорига биноан мусодара қилинган, шунингдек, божхонанинг бошқа қарорларига кўра давлат мулкига айлантирилган диний ибодат буюмларини ССЖИ божхона идоралари бундан буён диний бирлашмалар марказларига бепул ўтказадилар.

Ана шу буюмларни ҳисобга олиш, қўриқлаш ва баҳолаш, шунингдек диний бирлашмалар марказларига топшириш тадбирлари ССЖИ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги давлат божхона назорати бош бошқармаси ССЖИ Молия вазирлиги билан келишиб белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

• Олий таълим: ўзгаришлар даври

ҲАР БИРИМИЗ УЧУН МУҚАДДАС

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ ШУ КУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

● Ўзбекистон тарихи янгича талқин, янгича ёндашув ва янгича баҳоланишни кутяпти.

● Ҳар бир олийгоҳда жумҳуриятимиз тарихига оид кафедра бўлсин.

● «Ўзбекистон халқлари тарихи» ўқув қўлланмаси тезроқ ёзилиши керак.

1990 йил 10 октябрда ССЖИ Халқ таълими давлат қўмитаси «Гуманитар ва ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртларида талабаларни тайёрлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. 1989 йил 21 октябрда эса Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили тўғрисида Қонун қабул қилинди.

Шу ҳужжатларга асосланиб, ЎзССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1990 йил 16 декабрда жумҳуриятдаги барча олийгоҳ ректорлари ҳамда ижтимоий фанлар кафедралари мудирларига йўриқнома хати йўллаб, бир қатор тадбирларни амалга оширишни тавсия қилди. 1991—92 ўқув йили режаларида «Ўзбекистон ССЖ тарихи» кўрсатилмаган барча мутахассисликлар бўйича биринчи курсда 30 соатлик ҳажмда «Ўзбекистон ССЖ тарихи» сабоқи ўқитилишини жорий қилиниши айтилди. Шу кунгача ўрта мактабларда Ўзбекистон тарихи жуда ҳам оз соат миқдорида ўқитилиб келинди. Бу йил мазкур предметнинг ўқитилишига оз бўлса-да, эътибор берилиб, бироз кўпайтирилди. Шу боисдан ҳозиргача ўрта мактабни битирган ёшлар Ўзбекистон тарихидан жуда ҳам саёз, юзаки билимга эга. Бундан кейинги уч-тўрт йил ичида ўрта мактабни битирганлар ҳам у қадар чуқур билимга эга бўла олмайдилар. Гап шундаки, ўрта мактабларда Ўзбекистон тарихини ўқитишни янги сифатга кўтариш учун маълум, камида 4-5 йил вақт талаб қилинади. Келгуси йилда қабул қилинадиган талабаларимиз ҳам бу фандан ана шундай юзаки билимга эга бўлишлари турган гап.

Қолаверса, Ўзбекистон тарихидаги «оқ доғ»ларидан, тарихимизнинг ҳали ўқилмаган саҳифаларидан улар бехабардирлар. Тарих фанида, жумладан, Ўзбекистон тарихида қайта қуриш туфайли юз берган ўзгаришлар, янгича талқинлар, янгича ёндашишлар, янгича баҳолар ҳам ўрта мактабларга бориб етганича йўқ. Ҳатто олий ўқув юртларида ҳам бу янгича талаб жуда секинлик билан сингдирилмоқда. **Шу боисдан ўқув режасида «Ўзбекистон тарихи» предмети бўлмаган барча мутахассисликларда бу предметдан 30 соатлик ҳажмда эмас, ҳеч бўлмаганда 60 соатлик ҳажмда (40 соатлик лекция, 20 соат семинар) дарс ўтиш мақсадга мувофиқдир.**

Ўша йўриқномада Ўзбекистон тарихидан 8 та махсус курслар — снёсий тарих курсида «Ўзбекистоннинг снёсий тарихи», фалсафа курсида «Ўрта Осиё мутафаккирларининг фалсафий мероси», иқтисодий назария курсида «Бозор иқтисодиёти» асослари ва «Ўзбекистон халқ хўжалиги механизмида унинг ҳусусиятлари», ижтимоий-снёсий муносабатлар назарияси курсида «Миллатлараро муносабатлар ва байналмилал дунёқарашнинг шаклланиши», маданиятшунослик курсида эса «Ўзбекистон маданияти тарихи», «Ўзбекистон халқларининг ахлоқий-этик анъаналари», «Ўзбекистон халқларининг эстетик анъаналари», бўлимлари мажбурий ўқитилиши айтилган. **«Ўзбекистон тарихини майда бўлакларга бўлиб, уларни снёсий тарих, фалсафа, иқтисодий назария, ижтимоий-снёсий муносабатлар, маданиятшунослик курсларида бу тарзда ўқитиш бизнингча мақсадга мувофиқ эмас. Мана шу махсус курсларнинг ҳар бирига камида 20-30 соат ажратилса, жами 200-220 соат бўлади. Бу соатлар қаердан, қайси фанлар ҳисобидан олиниши ҳамда улардан синов ёки имтиҳон бўлиш-бўлмаслиги ҳужжатда кўрсатилмаган.**

Уч минг йиллик тарихни ўз ичига олган «Ўзбекистон тарихи» курси учун атиги 30 соат ажратилиши таажжубли ҳолдир. Бу курсдан ҳам синов ёки имтиҳон бўлиши айтилмаган. **Бу предмет мустақил, яхлит бир бутундир, бу фан бўйича ўқитиладиган ҳар қандай махсус курслар ҳам шу курс доирасида, шу фан ўқитилаётган кафедрада ўқитилмоғи лозимдир.** Бу курс бўйича масъулиятни тўлалигича ўз зиммасига олувчилар бўлиши, кафедралар очилиши, тарих юзасидан ўтилаётган махсус курсларни ўқийдиган мутахассислар бўлса, у ҳолда бундай ўқитувчилар Ўзбекистон тарихи кафедрасига ишга ўтиб дарс олиб боришлари зарур. «Ўзбекистон тарихи» предмети бўйича умумий танлов қоидаси асосида ўқитувчи кадрлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқдир. **Ижтимоий фанлар ўқитувчиларини Ўзбекистон тарихидан дарс беришга қабул этиш мақсадга мувофиқ эмас.**

Масалани ойдинлаштириш учун бошқа жиҳатдан ҳам ёндашамиз.

Снёсий тарихдан дарс бераётган ўқитувчи Россия ва ССЖИнинг снёсий тарихини баён этишда ўзи яшаб турган диёр — Ўзбекистоннинг ҳам снёсий тарихига тўхталиши шарт, шу йўл билан умумий тарихий жараённи, воқеаларни маҳаллий материал билан боғлайди. Фалсафа тарихини ўтганда, албатта, Ўрта Осиё мутафаккирларининг ҳам фалсафий дунёқарашлари ҳақида сўз кетади. Шундай экан, «Ўзбекистон халқлари тарихи» курсига путур етказилмаган ҳолда ижтимоий фанлар кафедралари ўз доирасида ана шу махсус курсларнинг мавзулари, ғоялари, материалларини алоҳида ўтмасдан, уларни ўз предметлари, курслари мазмунига сингдириб юборишларн мумкин.

Эндигина тетапоя бўлиб, қайта қуриш шарофати билан алоҳида ва махсус ўқиладиган «Ўзбекистон тарихи»ни бу қадар чор тарафдан ўраб олиш, бутун бир фанни нимталаш, олий мактабда қайта қуришни ўтказиш талабга жавоб берармикин? **Бизнингча, вазирликнинг бу хати методологик, методик, илмий ва ҳатто снёсий жиҳатдан ҳам унчалик тўғри бўлмаса керак.**

Афтидан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидаги гуманитар ва ижтимоий фанлар илмий-методик кенгаши таркибида ССЖИ тарихи, Ўзбекистон тарихидан дарс бериб келаётган мутахассис-ўқитувчи, ЎзФА тарих институтидан бирон бир илмий ходим йўқ. Қолаверса, шу кенгаш аъзолари «Ўзбекистон тарихи» предметига асоссиз равишда панжа орасидан қараб, бу фаннинг ўрни ва ролига камситиш нуқтаи назаридан қараганлар. Улар ҳеч бўлмаганда дорилфунунлар, педагогика институтлари тарих факультетларига ҳозиргача амалда қўлланилаётган «Ўзбекистон тарихи» курси дастурини қўлга олиб кўрганларида, бошқа тарихлар каби Ўзбекистон халқлари тарихида ҳам қайта қуриш муносабати билан юзага келган янгича талқинлар, ёндашишлар, баҳолар, муаммолар, тарихимиздаги «оқ доғ»лар, ўқилмаган саҳифаларини кўз олдига келтирганларида эди, масалага бу қадар юзаки қарамаган бўлардилар. **Ижтимоий фанлар кафедраларига ажратилган ва номлари юқорида зикр этилган махсус курслар айни Ўзбекистон тарихи курси мазмуни ва доирасидаги масалалардир.**

Ахир бу мавзуларни Ўзбекистон тарихи курсида ўтмасдан тўртта ижтимоий фанлар кафедраларига тарқатиб юбориш мазкур фанга бўлган, аҳамияти, моҳияти эндиликда бениҳоя ортиб бораётган ўз миллий тарихимизга бўлган ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Тўғри, ҳозирги вақтда ижтимоий фанлар кафедралари учун фавқулодда оғир давр. Бу фанлар ўзига хос танглик ҳолатини бошдан кечирмоқдалар, янгиданянги муаммолар келиб чиқмоқда. Кечаги айтилган ғоя, фикр бугунга тўғри келмай қолмоқда. Шу боисдан ҳар бир ижтимоий фаннинг ҳозирги ҳолатидан янги сифат босқичига ўтиш йўлларини истаб, шу аснода ижтимоий фанлар муаммолари ҳаёт, давр талабига мослаштирилса.

Бир қатор техника, қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларида ҳозиргача «Ўзбекистон тарихи» ўқитилмасдан келинди. Энди бу ўқув юртларида ҳам мазкур фан ўқитиладиган бўлди. Шундай ўқув юртларида «Ўрта Осиё халқлари тарихи» ёки «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедралари ташкил қилинмоғи зарур. Ана шунда бундай кафедраларда «Ўзбекистон тарихи»дан дарс беришга, бу фандан махсус курс олиб боришга мутасадди ижтимоий фанлар вакиллари фаолият кўрсатсалар яхши бўларди. Тарих мутахассислиги бўйича ўқитувчи кадрлар етиштирилаётган педагогика институтларида, дорилфунунларда «Ўзбекистон тарихи» ўқитилиб келинмоқда, айрим бундай олий ўқув юртларида (ТошДД, СамДД, Низомий номидаги Тошкент пединститути, Ф. Хўжаев номидаги Бухоро пединститути, Улуғбек номидаги Фарғона пединститути) «Ўзбекистон тарихи» кафедралари мавжуд, айримларида (З. М. Бобур номидаги Андижон пединститути ва бошқалар) эса бу иш СССР тарихи кафедралари томонидан олиб борилмоқда. **Бундай ўқув юртларида ҳам Ўзбекистон тарихи бўйича кафедралар очиш керак, бу кафедралар ҳар бир олий ўқув юртида Ўзбекистон тарихини ўқитилишини таъминламоғи зарур. Миллий тарихимиз ва бу фан юзасидан ўқитиладиган махсус курсларга жавоб берадиган мутасадди кафедралар очилиши керак. Янги очилган кафедралар эса Ўзбекистон халқлар тарихидан дарс берган, бу соҳада илмий ишлар олиб борган тажрибали ўқитувчилар, етук олимлар билан танлов йўли билан тўлдирилиши лозим.**

Ҳужжатда махсус курслар учун ажратиладиган соатнинг умумий ҳажми (лекция ва семинар машғулотлари учун) кафедралар томонидан белгиланиши лозимлиги айтилган. Бу ҳам унчалик тўғри эмас. Ахир, у ҳолда ҳар бир олий ўқув юрти масалага ҳар хил ёндашади, бирида 20 соат бўлса, иккинчисида 30 соат бўлади. Яхшиси, вазирликнинг илмий-методик кенгаши бу соҳада ўзининг тугал, аниқ, асосланган фикрларини айтиши лозимки, барча олий ўқув юртларида (тарих, филология, иқтисодиёт, шарқшунослик ихтисослигидан ташқари) махсус курсларга ажратиладиган соатлар бир хил бўлсин.

Ҳужжатда 1991 йил 1 майга қадар олий ўқув юртлари учун «Ўзбекистон тарихи»дан типовой дастур лойиҳаси ишлаб чиқиш кўрсатилган. Аввало курснинг номини «Ўзбекистон ССЖ тарихи» деб номланиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ЎзССЖ 1924 йилдагина ташкил бўлди, ЎзССЖ эндигина 66 йил умр кўрмоқда, бу заминда яшаганлар тарихи эса қарийб 3 минг йилни ўзига қамраб олгандир. **Қолаверса, ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқлар аввалазалдан бир минтақада яшаб келганлар, уларнинг тарихи бир-бири билан узвий боғлангандир, шу боис уларнинг тарихини ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди.** Шунинг учун курснинг номини «Ўрта Осиё халқлари тарихи» ёки «Ўзбекистон халқлари тарихи» деб аташ тўғрироқ бўлса керак.

Ҳужжатда Ўзбекистон тарихи курси бўйича ўқув қўлланма тайёрлаш учун муаллифлар жамоасини 1992 йилгача ташкил этиш кўрсатилган. Бунда олий ўқув юртларида Ўзбекистон халқлари тарихидан дарс бераётган, миллий тарихимизнинг саҳифаларини яратаётган профессор-ўқитувчилардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоғи лозим.

Умуман, жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг йўллаган хати анча хом, ундаги кўрсатмалар илмий асосланмаган ва жойларда унга амал қилиш, уни жорий этиш талайгина ноқулайликлар, муаммоларни келтириб чиқаради. Эндигина алоҳида курс сифатида олий ўқув юртлари ўқув режаларига киритилаётган «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни ўқитиш ишига анча путур етказилади. Шу боисдан бу кўрсатма хат яна бир марта тегишли мутасадди муассасалар, олий ўқув юртлари раҳбарлари — Ўзбекистон тарихи кафедралари мудирлари, ўқитувчилар билан кенгашиб туриб қайта ишланмоғи керак. Ўйлаймизки, бу нуқтан назар юзасидан мутасадди ўртоқлар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этсалар керак.

Р. ШАМСУТДИНОВ,
З. М. Бобур номли Андижон Давлат педагогика институти профессори, тарих фанлари доктори.

Ветеран мулоҳазалари

ПАРТИЯГА СУЯНАМАН

Аслида деҳқончилик билан суягим қотган. Пахтачилик соҳасидаги ўттизинчи йилларнинг машаққатларини ҳам бошимдан кечирганман. Эслаб кўрсам, ўша дамларда жамоалаштириш йўриғи билан ерларни деҳқонлардан, ер эгаларидан олиб, у «энди давлатники бўлди», дейишди. Турли иш қуролларидан тортиб ҳўкизуловгача жамоа мулки сифатида фойдаланиладиган бўлди. Ҳаётга ташналикми, миллий турмушимиздаги удумларимизнинг хосиятими, ишқилиб мулк ҳам, меҳнат ҳам жамоа манфаати билан боғлиқ эди. Кўзбўямачилик, қаллоблик, интизомсизлик камроқ эди. Бугунги кунга келиб деҳқонларга ер берилянти. Чунки ризқ-насиба улашувчиларининг ўзи уни қандай ундиришни ҳам яхшироқ билади. Ахир ҳикматли китобларда ҳам экмоқ ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда, бехосдан, қиёматқойим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз уни экиб қўяверинг, деб бежиз айтилмаган.

Даврлар шамоли бизларни не-не кўргиликларга дучор этмади. Рўшноликка интилиб, дориломон кун деб билганимиз сароб бўлиб чиқди. Кеча-кундуз тер тўкиб, толиқиш нима билмай меҳнат қилиб, тузукроқ наф кўрмадик. Ана шундай пайтда заҳматкаш деҳқоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, рағбата манфаатлари тўла бўлмаганлигини рўй-рост айтиш жоиз. Дарди тўла вужудидан доимо меҳнатга меҳр ёғилиб турган пахтакорларимизнинг аъмолини, ўтмишини, кечмишини ҳали ҳеч ким ойдай ойдинлаштиргани йўқ. Биргина мен меҳнат қилган хўжаликда куни-кеча — яқин ўтмишда муштипар аёллару, норасида болалар, соч-соқоли пахтадай оппоқ боболарнинг пахта учун чеккан жабру ситамларини ўкинмай айтиб бўладими?! Жафокашликни қаранг, ўша фидойилар Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам пахта тақдири оламшумул масала эканлигини дилдан ҳис этдилар. Бири звено, бири ҳосилот, бири тракторчи бўлиб темир иродаларини, матонатини давр дардига малҳам билдилар. Биргина хўжалигимиздан Жўра Элбоев, Шароф Холов, Ефтей Рябов, Зайнаб Хушимова, Жуман Маҳмудов каби беш нафар пахтакорнинг айни уруш йилларида Олтин Юлдуз тақишини тасаввур қилиб кўринг!

Мен ана шуларни эслаганимда ҳозир марҳум устозимиз Жўра Элбоев номи билан аталадиган хўжалигимизда 1947 йилдан пахтачилик бригадасига етакчилик қилганлигим, ҳамкасбларим қатори ҳар қадамда, ҳар лаҳзада партиявий ғамхўрликни қалбдан чуқур ҳис этиб турганлигим ёдимга тушади. Тўғрисини айтсам, ўша йилларда шиорлар, чақириқлар, қарорлар билан меҳнатчиларнинг меъдасига тегинилмасди. Жамоа хўжалиги ҳудудидаги дўқчиликларнинг (Дўқчи қишлоғининг номи) довруғи жумҳуриятимизда ҳам маълум ва машҳур бўлганди. Коммунистлар ўзларининг нималарга қодирлигини кўпроқ минбарларда эмас, меҳнатда, пахта даласида кўрсатардилар. Улар сафида мен халқ фаровонлиги, истиқболимиз учун курашни тушуниб етдим.

Дарвоқе, қайси бир шоир айтганидай, умргузаронликда севинч билан армон ёнма-ён юрармиш. Ақлимни танибманки, умрим давомида армонларим мўлдек туюларди. Лекин ҳаётимдан нолимайман. Шодликларимни фарзандларимда, набираларимда кўриб турибман. Ахир ўн икки фарзанднинг отасиман. Набираларим ҳам ўттиздан ошди. Улар орасида эл хизматига ярайдиган турли касб соҳиблари бор. Умримнинг қанотлари, ишончли илдизларим улар. Аммо ҳаёт синовлари, турмуш ташвишлари ҳар биримизни имтиҳон қилганидек, умримнинг ғуссали дамларида ҳам, кимдандир нажот истаганимда ҳам яна фарзандларимга, ярим асрлик пахтакорлик меҳнатимга, 37 йил муқаддам ўз сафига олган партиямга ишонаман ва суянаман. Тўғри, ҳар бир даврнинг ўз дардимуаммолари, кемтиклари, ҳар бир гўшанинг ўзига хос ҳавоси бўлади. Янгиланиш ва ошкоралик туфайли 50-йилларнинг ҳам, 60-йилларнинг ҳам таҳликали ва қалтис янглишишларини энди чуқурроқ англяпмиз. Қайта қуриш жараёни ишлаб чиқаришдаги тангликларни, иқтисодий турмушимиздаги инқирозларни рўй-рост очиб ташлади.

Коммунистлик ғурури, обрўси партия шани ва тақдирига айланди. Турғунлик йилларининг аччиқ сабоқлари кўзимизни очди. Хусусан, «пахта иши» деб номланган қатағон оқибатида талайгина бегуноҳ кишилар бадном қилинди, уларнинг оддий инсоний ҳуқуқлари ҳам поймол этилди. Ҳозир ҳам оппоқ пахтага паймонини боғлаган кўпгина фидойи меҳнат соҳиблари кучайтирилган режимдаги меҳнат колонияларида, ҳибсхоналарда азоб чекмоқдалар. Уларнинг арзу-додини вақтида ҳеч ким эшитмади. Партиявий адолат билан уларга кўмаклашадиганлар деярли топилмади. Менинг ҳам қарийб 35 йил пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб, бундай оғир кунлар бошимизга тушиши етти ухлаб тушимга кирмаганди. Бирор йил ҳосилдорликни камайтиришга ҳаддимиз сиғмай, йилма-йил режаларимизни ошириб бажариш билан орден ва медалларга сазовор бўлгандим. Ярим асрлик хизматим давомида Ленин ордени, Октябрь революцияси, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган пахтакор унвони беришди. Элнинг ризқи, халқнинг насибасига хиёнат қилиш хаёлимизга келмасди. Ҳалол меҳнат, пок виждон, партияга ишонч, давлатимизга эҳтиром билан мўл-кўлчиликни яратиш, элнинг устини бут, ризқини бутун қилишни ўйлардик. Нуфузли анжуманларда жамоамизнинг ютуқларини эшитиб фахр ва ифтихорга тўлардик.

Афсуски, матбуот саҳифаларида ёзилаётганидек, халқимизнинг беназир андишасини фаҳмламаётганлар, кўз кўриб қулоқ эшитмаган кўргуликлар кўп экан. Кимларгадир «қўшиб ёзишлар» баҳона бўлди-ю, ёппасига улардан ўч ола бошлашди, маломат тошлари отила бошланди. 1983 йил мени ҳам ана шу сохта жиноят сиртмоғига илинтириб, партиядан ўчиришди, суд қилишди. Ниҳоят, жиноят аломатлари бўлмаганлиги «аниқланиб» ҳукуматимиз олдидаги кўп йиллик хизматларим ва меҳнатларим ҳисобга олиниб, белгиланган жазодан озод қилишди. Энг таажжубланарлиси шуки, синов шарти билан жамоатчилик тарбиясига тавсия этишди. Наҳотки, 67 ёшигача пахтазордан чиқмаган ўн икки фарзанднинг отасини «синов шарти билан тарбиялаш» лозим бўлса!..

Одамлардан имон қочса, салтанатдан қудрат кетади, дейди доноларимиз. Халқимиз ҳамиша меҳнатчига меҳрибон, виждонли, ўзидан кўра ўзгаларни ўйлайдиган, инсонпарварликда беқиёсдир. Шунинг учун ўзбекона андишанинг чегарасини бузишга ийманади, марказда баъзилар ваҳимага тушганидек миллат айирмайди, тонганини баҳам кўришга интилади, бироқ ғуруринги, шанини булғашга йўл қўймайди. Истаймизми, истамаймизми, бу ўзбекнинг вужудига қон билан сингган, эътиқодига айланган. Шундай экан, қирқ йиллик партия билетимни олишаётганида, кўнглимдагини, толеимдагини олишгани йўқ. Ахир унчалик катта раҳбар эмасман, лавозимга ачинсам. Фарзандларим — қалбимнинг чироқлари порлайверади, виждоним поклигига ишониб яшайвераман. Лекин коммунистнинг муқаддас номи, умри кемтик бўлмасин экан.

Ҳақиқат букилади, аммо синмайди. Мана етти йилдан сўнг ҳақ ўрнини топди, адолат тантана қилди. Яқинда жамоа хўжалиги партия ташкилотининг қарорини Шаҳрисабз шаҳар партия қўмитаси ва шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссияси маъқуллади. КПСС сафига тўлиқ стажим билан тиклашди. Ҳозир ёшим 75 да. Хўжалигимиздаги маҳалла қўмитасига раислик қилиб, элдошларимнинг кори ҳолига, қийин турмушларига баҳоли қудрат ярашга ҳаракат қиляпман. Партия сафига қайтганлигим қайта қуриш ва янгиланиш жараёнига такрор ишонч уйғотди. Партиявий, ленинча йўлнинг ҳаққонийлигига имоним комил, руҳан толиқиш бўлсада, эътиқодимиз собит, мақсадларимиз муштаракдир.

Баъзилар айни пайтда партия ўз обрўсини йўқотди, деб жар солмоқда. Сира ишонмайман. Бу обрўни, ифтихорни мен миллионлаб коммунистларнинг мақсади ва курашида кўраман, уларнинг фаолиятида сезаман. Ўзбекистон Компартиясининг Устави ва Ҳаракат дастурида ҳам коммунистларнинг, меҳнатчиларнинг истиқбол сари интилиши, иҳтиёрий-сиёсий, иқтисодий, маънавий саъйи ҳаракатлари, орзулари, амалга оширажак эзгу ишлари ифодалаб берилган. Албатта, бу дастурий ҳужжатларимиз ҳам маънавий-сиёсий кураш жараёнида такомиллашиб боради, бизни бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликларини талабчанлик билан енгишга даъват этаверади.

Оққўзи БУТАЕВ
Шаҳрисабз шаҳридаги Жўра Элбоев номли жамоа хўжалиги маҳалла қўмитаси раиси, партия ва меҳнат ветерани.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда эл дастурхонини турли ноз-неъматлар билан бисёр этиш асосий вазифалардан бири бўлиб қолган. Зеро дўконларда озиқ-овқат маҳсулотлари сероб бўлса, турли гап-сўзларга барҳам берилган бўларди.

Самарқанддаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси сўнггги йилларда ана шу мақсадда бир мунча ишларни амалга оширди. Жумладан, маҳсулот турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда музқаймоқ, қатиқ, болалар учун турли сут маҳсулотлари, ҳасип шаклидаги пишлоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Яқинда корхонада яна бир хайрли ишга қўл урилди. Корхонада голланд пишлоғи ишлаб чиқаришга мослашган цех қуриб битказилди. Айни кунларда янги цех ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Бирлашмада ўз ишининг устаси бўлмиш меҳнатсевар кишилар сони тобора кенгайиб бормоқда. Улар зарбдорларча меҳнат қилиб, корхонанинг йиллик режани ортиғи билан бажаришига муносиб ҳисса қўшдилар. Улар йилнинг дастлабки кунлариданоқ илғорликни қўлдан бермай келаётирлар. Болалар учун сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишчиси Дилором Ёқубова ана шундай пешқадамлардан биридир. Унга ўхшаган илғорларнинг ғайрат-шижоати туфайли цехда ҳар куни 18—20 минг кичкинтойга мўлжалланган сут маҳсулотлари ва биолакт ишлаб чиқарилмоқда.

Суратда: илғор ишчи Дилором Ёқубова шу цех бригада бошлиғи Асолат Мавлонова билан.

Ғ. АЛИЕВ туширган сурат.

БЎСТОНЛИҚ СОВҒАЛАРИ

Қўриқ Сирдарё вилояти қурувчилари Бўстонлиқ ноҳиясининг табиий офатдан зарар кўрган «Ленинград» жамоа хўжалиги меҳнаткашларига 10 та замонавий коттеж қуриб бердилар. Шиннам уйларнинг эгаларига тантанали равишда калитлар топширилди.

Яқинда Сирдарё вилоятининг маркази Гулистон шаҳрига Бўстонлиқдан меҳмонлар келишди. Ноҳия ижроия комитети қарорига биноан меҳмонлар Сирдарё қурувчиларига миннатдорчилик рамзи сифатида иккита «Урал» мотоцикли, 10 та гилам ва бошқа совғалар олиб келишган эди. Совғалар «Агропромстрой» трестининг 36-механизациялашган кўчма колоннаси ҳамда «Сирдарьяводстрой» трестининг Гулистон шаҳридаги саноат-граждан қурилиши кўчма колоннаси жамоасига топширилди. Улар ўзларининг фидокорона ва ҳалол меҳнатлари билан бўстонлиқлик дўстларининг эътиборини қозондилар. Бу воқеадан кейин сирдарёликлар бундай савобли ишларни янги йилда ҳам давом эттириш ниятини изҳор этдилар.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Тил ҳақидаги Қонун—амалда

ИЗЧИЛЛИК КЕРАК

63 йилдан буён фирқа аъзосиман. 30 йил босмахонада меҳнат қилиб, ҳозир қарилик гаштини суряпман. Ўзимнинг 86 йиллик ҳаётимда жуда кўп суронли дамларни, инқилобий ўзгаришларни бошдан кечирдим. Биринчи ўзбек романи — Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» китобини араб алифбосида терганман. Атоқли ўзбек адибининг асарини нашр қилишда ҳарф теруvчи бўлиб ҳисса қўшганимдан ҳамон фахрланаман. Чунки уни ўз алифбомизда (араб алифбосида авлодларимиз қалам тебратгани учун!) тайёрлаб, китоб мухлисларига тақдим этганимиздан қалбим ғурурга тўлади.

Афсуски ўзбек халқининг бой маданий мероси, тили, алифбосига бўлган муносабат ҳануз тўлалигича ўнгланмаяпти. Ваҳолонки, матбуот — зиё тарқатувчи, ҳар қандай эзгу мақсадларни тарғиб қилишда сардорликни қўлдан бермаслиги даркор. Менимча, Тил ҳақидаги қонунни амалга оширишда матбуот ва мутасадди идоралар янада жонкуярлик, изчиллик кўрсатишлари керак.

Абдулла НИЗОМХОН ўғли.
Тошкент шаҳри.

ЧУҚУРРОҚ ЎРГАНАЙЛИК

Фориш ноҳиясидаги 59 ўрта мактабда 15 йилдан буён ўзбек тили ва адабиётидан дарс бераман. Мени тилшунос сифатида ўзбек ёзуви муаммоси жуда ўйлантиради. Жумҳуриятимиз матбуотида бу муаммо юзасидан кўпгина мунозарали мақолалар бериб борилянти. Буларда таъкидланаётганидек, халқимиз ўз тарихи, маданий мероси, тили ва ёзуви ҳақида жуда кам тасаввурга эга. Айниқса, ёшлар қарийб булардан беҳабар.

Сўнгги пайтда аҳвол шу даражага бориб етдики, ўзбек алифбосида нечта ҳарф борлигини ўқувчиларга аниқ айта олмаймиз. Дастлаб 35 та ҳарф дедик, яна қўшимча ҳарфлар бор деб гапиряпмиз.

Ахир ўз ҳарфингнинг ҳисобини билмасликни қандай баҳолаш керак? Зеро, ўз ёзувимизга эга бўлиш, уни чуқур ўрганишга ҳам астойдил кириша олмаяпмиз.

Х. ХОЛЛИЕВ,
Жиззах вилояти.

Ўқув адабиёти муаммолари

КИТОБЛАР КИТОБИ

Дарсликлар мажмуини яратиш-ўқув китоблари нашр этишдаги муҳим масала. Халқ таълими органлари, педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ўқув адабиётлари яратиш ва уларни нашр этиш тартибини (мактабгача тарбия, мактаб, олий ўқув юрти, методика ва ҳоказо) таъминлашнинг замонавий дастурини ишлаб чиқишлари, мактаб ислоҳотининг айрим жиҳатларини амалга оширишдан воз кечишлари лозим деб ўйлаймиз. Хусусан, нашриёт ҳозирга қадар бошланғич мактаб учун дарсликларнинг иккита рангли комплектини (олти ёшлилар ва етти ёшлилар учун) чиқариб келмоқда. Бу эса қўшимча ҳаражатларга сабаб бўлиб, қимматбаҳо офсет қоғози билан босмахона қувватини талаб қиляпти. Буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Ўз ҳаражатларини ўзи қоплайдиган, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган нашриётнинг ҳозирги шароитида ўқув китобларининг мавжуд паст нархи сақланиб қолаётган экан, уларни шундай нашр этишни давом эттириш, нашриётни иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга қўймоқда. Айни бир вақтда бир қатор ўқув фанлари, жумладан, жумҳурият тарихи, жуғрофияси, табиатшунослиги бўйича тўлиқ дарсликлар комплекти йўқ. Нашриёт бу камчиликка чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон тарихи бўйича ўқиш китоби нашр этишга ўзича жазм этди. Лекин бу муаммо шунинг билан битиб қўя қолмайди. Биз олимларимиздан, мутахассислардан замонавий яхши дарсликлар қўлёзмаларини яратиб беришларини кутамиз. Афтидан, сифатли янги дарсликлар яратиш учун замон талаблари даражасида ижодий ишлашга қодир бўлган янги кучларни жалб қилиш керак бўлади.

Бугунги кунда ўқув мажмуалари яратиш ўқув китоблари нашр этишнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Маълумки, дарслик ўртача қобилиятли ўқувчига мўлжаллаб ёзилган. У ҳамма соҳани қамраб олган бўлиши шарт эмас. Шундай экан, кучли ўқувчини қизиқтириш, заиф ўқувчига таълим олиш имконини бериш учун нима қилиш керак? Бунда ўқувчиларга янада яқин ёндашиш зарур. Бунга ўқув комплекси ғоясини — муайян фанлар бўйича таълимнинг дидактик воситалари системасини амалга ошириш билан эришмоқ мумкин. Бу система марказини эса дарслик ташкил этади. Унда таълимнинг асосий мазмуни, уни амалга ошириш структураси берилган. Аниқлаштириш ва ҳатто индивидуаллаштиришга эса ўқиш китоблари, хрестоматиялар, луғат ва маълумотномалар, машқлар тўпламлари, факультатив машғулотлар ва чуқур ўрганиладиган курслар учун қўлланмалар, кўргазмали воситалар ва дидактик материаллар, ўқитувчилар учун мўлжалланган методик адабиётлар ёрдамида эришилади.

Мактаб фан асосларидан билим беради. Лекин ҳозирги вақтда унинг маънавият пойдеворини яратиши ҳам муҳимдир. Ўқув адабиётини мафкурадан холи қилиш, кўпроқ умуминсоний қадриятларга қараб мўлжал олиш, шахснинг ор-номус, қадр-қиммат, яхшилик, виждон, саховат каби фазилатларини тарбиялашга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу эса бизнингча, сифат жиҳатидан янги ўқув китоби, шунингдек, бошқа китоблар ҳақидаги гапдир. Чунки мактаб билан оила битта ишни бажаради. Демак, оилавий тарбия тўғрисида, болаларнинг дам олишини ташкил этиш ҳақида ҳам китоблар керак.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан янги муаммолар пайдо бўлди. Хусусан, хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган нашриётимиз мактаб манфаатлари билангина қизиқиб қолмасдан, иқтисодий масалаларни ҳам ҳал этиш керак.

Нашриётимиз зарар кўриб ишламоқда. Чунки биз чиқараётган адабиётлардан

тушган маблағ унга кетган ҳаражатларни қоплямаяпти, уларнинг нархи тан-нархидан анча паст баҳоланади. Ўқув китоби жуда арзон. Лекин мактаб дарсликларининг аксарияти кўп бўёқли. Рангли қилиб чиқарилади. Қимматбаҳо офсет усулида босилади. Олий техника ўқув юртлари ўқув китобларида кўплаб чизмалар ва формулалар бўлади. Булар эса китоб чиқаришни мураккаблаштиради. Ҳарф териш анча қимматга тушади. Қарабсизки, уларга жуда кўп маблағ сарфланади. Дарсликларни сотишдан тушган пул мазкур ҳаражатларни қоплямайди. Бир ярим миллион сўм миқдоридаги зарарни нашриётнинг меҳнат жамоаси қоплайди. Нима учун шундай? Ширкатлар ишлаб, ўз ноширларидан катта даромад олаётган бир вақтда нега нашриётлар эскириб кетган 116-прейскурант тутқунлигида камбағал бўлиши керак? Нега 340—350 миллион табоқ босма нусхадан ортиқ бўюртма қабул қилмаяпти. Бу эса ўтган йиллардаги даражадан ортиқ эмас ва эҳтиёжнинг 50 фоизидан камроғини ташкил этмоқда.

Бу масалани ҳал қилмоқ учун бизга қўшимча маблағлар керак. Улар нашриётга техника, замонавий компьютер жиҳозлари сотиб олиш, кадрлар тайёрлаш, уларни сақлаб қолиш имконини беради, натижада маҳсулотимизни нашриётнинг ўзида босиб чиқариш даражасига етказиш, зарур адабиётларни тезлик билан чоп этиш мумкин бўлади.

Бу ишга ҳозироқ киришилган. Айрим машиналар сотиб олинди, лекин муаммони тўла-тўкис ҳал қилиш маблағ йўқлигига тақалиб турибди.

Молиявий масалаларни ҳал қилиш — аввало қоғоз етишмаслигидан иборат ғоят кескин масалани ҳал қилиш демакдир. Мазкур муаммо умумиттифоқ миқёсидаги муаммо бўлиб, унинг ҳал этилишида ўқув-педагогик нашриётларнинг манфаатлари ҳам инобатга олинади, деган умиддамиз.

Нашриётда китобларнинг бадиий безаги бўйича жиддий иш олиб борилянти. Дарсликларни муайян турларга ажратиб безатиш юзасидан қилинган ишларимиз юқори баҳоланди. Бу ҳали ишнинг бошланиши, холос. Олдимизда ўқув адабиётларининг жамиятимиз тараққиёти ҳозирги босқичи талабларига мос келадиган янги хилларини яратиш ва нашр этишдан иборат улкан ишлар турибди. Булар эса катта маблағ талаб қилади, уни биз ишлаб топишимиз керак. Бунинг учун бизга аввало, қоғоз керак ва чиқарган маҳсулотимизнинг сотилишидан фойда кўришимиз лозим.

Кўринib турибдики, китобларнинг китоби — дарсликлар нашр этишнинг ўзига хос кўп мураккаб муаммолари бор. Лекин шу муаммоларнинг ортида болалар турибди. Зеро, бу муаммолар ечимини кечиктирмайлик.

О. МИРЗАЕВ,
«Ўқитувчи» нашриётининг директори.

• Президент Фармони қандай бажарилянти?

ПОК НОМЛАРГА ЗАВОЛ ЙЎҚ

Давлат хавфсизлиги қўмитаси Наманган вилоят бошқармасига келаётган хатларнинг кўпчилиги «отамизнинг пок номини тиклашдаги ёрдамларингиз учун раҳмат» деган миннатдорчилик сўзлари билан бошланади. Шу мазмундаги хатлар нафақат вилоят ноҳияларидан, балки жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан ҳам келиб турибди. Бу ўринда сталинизм даврида асоссиз қатағон қилиниб, эндиликда пок номлари қайта тикланаётган кишиларнинг номлари икки йил давомида «Наманган ҳақиқати» вилоят газетасида эълон қилиб борилгани муҳим роль ўйнади. Вилоят ва ноҳия рўзномалари билан давлат хавфсизлиги қўмитаси ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги, айтиш мумкинки, жуда қўл келди.

Ўтган йили вилоят давлат хавфсизлиги қўмитаси бошқармасига Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Ш. Мамажонов отасининг ноҳақ айбланганлиги ҳақида мурожаат қилганди. Бошқарма ходимлари кекса ўқитувчи Мамажон Имомназаровнинг тўлатўкис оқланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар билан унинг хонадонига боришди. Бироқ Ш. Мамажонов қалбини узоқ йиллар ўртаб келган саволларга бир йўла жавоб беришнинг имкони бўлмади.

— Отамнинг оқланганлигини сизлар билан мендан бошқа ҳеч ким билмайди. Мен 50 йилдан буён туғилиб ўсган қишлоғимга боролмайман. Сизлар халқ душманининг ўғлига муносабат қанақа бўлишини билмайсизлар, — деди ўксиниб Ш. Мамажонов.

Шундан сўнг вилоят ДХҚ бошқармаси ходимлари оқланганларнинг муборак номини маҳаллий рўзномаларда эълон қилишга қарор қилдилар. Вилоят рўзномасида биринчи бор мана шундай хабар чоп этилганда, сўзбошига Ш. Мамажоновнинг отаси ҳақидаги ҳикоя илова қилинди. Шу кунга қадар «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» газеталари саҳифаларидан 500 дан ортиқ қатағон қурбонларининг исми-шарифлари жой олди.

Бу номларни газетада босиб чиқарилгунгача бўлган жараён осонгина кечгани йўқ. Унга қадар кўплаб тўғонларни босиб ўтишга, талай ҳужжатларни синчиклаб кўздан кечиришга тўғри келди. ДХҚ бошқармаси ходимлари ҳар бир одам номини оқлаш учун архив ҳужжатларини чидам билан ўрганишди.

Учқўрғон ноҳиясидаги Ҳайқи қишлоғидан 61 ёшли қассоб Тўхтабой Усмонов вилоятда биринчилар қатори шахсга сиғинишнинг қурбони бўлганди. Она тилидан ўзга тилни мутлақо билмайдиган бу кекса отахон давлатга қарши қандай ташвиқот қилиши мумкинлигини ҳанузгача ҳеч ким тушуниб етолмайди. Худди шундай Наманган ноҳия ижроия қўмитаси ходими Миробид Маҳсумов ҳам ИИХК (НКВД) ходимлари томонидан бир кечада қамоққа олинган. У тўрт нафар гўдаги ва хотинига қараб «Менинг гуноҳим йўқ, текшириб қўйиб юборишади» дейишга улгурган, холос. Афсуски, бу унинг айтган охирги сўзлари бўлиб қолди. Бундай аянчли тақдирлар, бегуноҳ қатағон қилинганлар юзлаб кишиларни ташкил этади.

...Н. Кузнецова кекса тиббиёт ходими. У Чуст ва Наманган шаҳарларидаги туғуруқхоналарда қирқ йилдан ортиқ меҳнат қилди. Қанчадан-қанча чақалоқлар унинг қўлида дунёга келди. Ҳозир меҳнат ветерани бўлган бу онахон онлада бешинчи фарзанд эди. У уч ёшга кирганда онла бошига кулфат тушди. Отаси Константин Филипович 1938 йилда Фарғона вилоят судининг сайёр сессияси томонидан шўроларга қарши ташвиқот қилишда айбланиб, беш йил озодликдан маҳрум қилинди, 6-фарзандини кутаётган ҳомиладор рафиқасининг бош уриб бормаган эшиги қолмади. Нина Константиновна ўлим тўшагида ётган онасининг ёнида кечирган тунларини ҳалигача йиғлаб эслайди.

Инсон кексайганда ўтмишни кўп хотирлайдиган бўлиб қолади. Нина Константиновна Намангандаги онаси ва синглиси дафн этилган қабристонга тез-тез бориб турадиган бўлиб қолди. Яқинда шу икки қабр ўртасида янги «Кузнецов Константин Филипович. 1895—1942 йил» ёзувлари битилган қабр тоши пайдо бўлди. Маълум бўлишича у қамоқда озод бўлганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, севинчдан юраги ёрилиб, ҳаётдан кўз юмган экан. Вилоят давлат хавфсизлиги бошқармасига миннатдорчилик билдириб келган онахон Нина Кузнецова кўнглидаги армон ушалганлигини айтиб, миннатдорчилик билдирди.

Давлат хавфсизлиги қўмитаси ходимлари 1950—1960 йилларда ноҳақ судланган кишиларнинг номларини тиклаш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Уруш пайтида оёғидан яраланиб, уни совуққа олдирган Наманган шаҳридаги 22-ўрта мактаб директори Боймирза Мирзаев Сталиннинг дафн маросими радио орқали эшиттирилганда оёқда тик турибгина эмас, ўтириб тинглагани учун душман саналиб, олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Чуст ноҳиясининг биринчи коммунистлари бўлган, партия ва шўро органларида бир неча йил ишлаган ака-ука Эргашбой ва Шоғафур Шомансуровлар ҳам Совет ҳукуматига қарши ташвиқот қилганликда айбланиб, бири отилган ва бири ҳибсга олинган. Бугунга келиб уларнинг ҳам пок номлари тикланди.

Ноҳақ қатағон қилинганларни оқлаш ҳақидаги Фармон чиққандан буён вилоят давлат хавфсизлиги бошқармаси томонидан 200 га яқин ариза ва шикоятлар кўриб чиқилди.

— Миннатдорчилик сўзлари битилган мактубларни ўқиб, одамларнинг неча йиллик, ҳатто умр бўйи армон бўлиб келаётган орзу-умидлари ушалишида оз бўлсада ҳисса қўшганимиздан мамнунмиз, — дейди вилоят давлат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи А. Ҳошимов. — Президентимиз Фармонида одамларнинг дилидаги гаплар ўз аксини топганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Биз эса ўз вазифамизни, инсонийлик бурчимизни бажаряпмиз.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ УСТАВИ

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси (Ўзбекистон ЖУ).

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси — жумҳурият оммавий ахборот воситалари ходимларининг давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат уюшмаларидан мустақил ва уларга ҳисоб бермайдиган ўзини ўзи бошқарадиган касбий-ижодий ташкилоти.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ихтиёрийлик асосида Қорақалпоғистон Журналистлар уюшмаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларни, шунингдек, журналистлар бирикмаларини ўзида бирлаштирган бўлиб, уларнинг ижодий фаолиятини кучайтиришга даъват этилгандир.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ўз фаолиятини ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ Конституциялари, амалдаги қонунлар ва ушбу Уставга мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ихтиёрийлик ва шартнома асосида ССЖИ Журналистлар уюшмалари конфедерацияси (ЖУК) таркибига киради.

2-банд. Уюшманинг мақсад ва вазифалари

Сўз ва матбуот эркинлиги принципларини қарор топтириш ва амалга ошириш, фуқароларнинг тез ва тўғри ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашиш;

журналистларнинг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижодий ҳуқуқларини, уларнинг шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

журналистларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиш;

турли ғоявий йўналишдаги нашрларда хизмат қилаётган журналистларни бирлаштириш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотларига, оммавий ахборот воситаларининг таъсис этувчилари ва нашриларига дахлдор манфаатларини ҳимоя қилиш;

оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга, уларнинг моддий-техника заминини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

уюшма аъзоларининг жумҳурият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган қонун тайёрлаш ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш;

журналист ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, ёш журналистларни ўқитиш ва тарбиялаш;

таҳририят жамоалари билан биргаликда ишчи-деҳқон муҳбирлар ҳаракатини ривожлантиришга кўмаклашиш, жамоатчилик асосида ишлайдиган муҳбирларни тайёрлаш;

журналистика фахрияларига ғамхўрлик қилиш;

бошқа жумҳуриятлар ҳамда хорижий мамлакатлардаги журналистика ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлаш;

нашриларнинг ва бошқа ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш;

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

3-банд. Ўзбекистон журналистлар уюшмасига аъзо бўлиш

Жумҳурият оммавий ахборот воситалари ва нашриётларнинг ижодий ходимлари ҳамда журналистик фаолият билан шуғулланаётган фуқаролар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзолари бўлишлари мумкин.

Қабул шартлари: Ўзбекистон ЖУ Уставини тан олиш, уюшмага кириш бадали ва аъзолик бадалларини тўлаш юксак касб маҳорати ва жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатиш.

Журналистлар уюшмасига аъзо бўлувчилар оммавий ахборот воситаларида камида уч йил ишлаган бўлишлари керак. Улар шахсий ариза, Журналистлар уюшмасининг камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган икки аъзосидан тавсиянома, таҳририятдан уюшмага кирувчининг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари қайд этилган ижодий тавсифнома тақдим этадилар.

Тавсия этувчилар ўз тавсияномаларининг холислигига жавобгардирлар.

Аризани бошланғич журналистика ташкилоти ариза берилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқади ва Уюшмага қабул қилиш-қилмаслик масаласини очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан ҳал этади.

Қабул қилинганлик ҳақидаги қарор Ўзбекистон ЖУ бошқаруви котибияти тасдиғидан сўнг кучга киради.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзолари бир хил нусхада ишланган гувоҳнома оладилар.

4-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга

— уюшма фаолиятига доир барча масалаларни муҳокама этиш ва қарор қабул қилишда, журналистика ташкилотларининг ижроия органлари аъзолари ҳамда Ўзбекистон журналистлари съездидан тортиб барча анжуман ва қурултойларга делегатлар сайлашда бевосита қатнашиш;

— ЖУ бошқаруви органларига сайланиш;

— ЖУ бошқаруви органлари фаолиятига доир маълумотларни олиш, муҳокама этилаётган ҳар қандай масала юзасидан ўз фикрини билдириш ва ҳимоя қилиш;

— ўз фаолияти муҳокама этилаётган пайтда шахсан иштирок этиш;

— ўз касби билан боғлиқ вазифаларни адо этаётганда ЖУдан ижодий ва ҳуқуқий ёрдам олиш, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижодий келишмовчиликлар туғилган пайтда ЖУ органларига мурожаат этиш;

— барча турдаги ижодий, хўжалик-тижорат ва нашриёлик ишларида иштирок этиш, шу жумладан, хорижий ташкилотлар билан қўшма корхоналар тузишда қатнашиш;

— дам олиш, саломатликни яхшилаш, ижодий фаолиятни йўлга қўйишга мўлжалланган шарт-шароитлардан фойдаланиш; журфонд маблағлари ҳисобидан ижтимоий ва моддий ёрдам олиш;

— қўшимча турар-жойга эга бўлиш;

5-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси қуйидагиларни бажариши шарт:

— уюшма Уставига риоя этиш ва аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш;

— ЖУ ишларида қатнашиш;

— касб маҳоратини ошириб бориш;

— журналистларнинг касбий бирдамлигига раҳна солувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;

— барча халқ ва элатлар тилига, маданиятига, миллий анъаналарига ҳурмат билан ёндашиш; миллатлараро адоватни авж олдиришга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатга қарши чиқиш;

6-банд. Уставдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бузганлик учун Ўзбекистон ЖУ аъзосига қуйидаги чоралар қўлланиши мумкин:

ҳайфсан, қаттиқ ҳайфсан. Уюшма аъзолигидан чиқариш.

Жазо чоралари бошланғич журналистика ташкилоти йиғилишида кўрилади, журналистика ахлоқ-одоб қоидалари бузилган тақдирда касб ахлоқ-одоби ва ҳуқуқи Кенгашида кўрилади.

Жазо уни берган ташкилот томонидан бир йилдан кечиктирмай олиб ташланади.

7-банд. Журналистлар уюшмасининг аъзоси қуйидаги ҳолларда уюшма аъзолигидан чиқарилиши мумкин:

— ЖУ Устави талабларини бузганда;

— аъзолик бадалларини сурункасига тўламаган тақдирда;

— журналистика ташкилотидан ажралиб қолганда ёки ижодий фаолиятни тўхтатганда (фахриялар ва ногиронлар бундан мустасно);

— умуминсоний ёки журналистика ахлоқ-одоб қоидаларини бузганда;

— ўз ихтиёри билан ёзган аризасига кўра.

Бошланғич журналистика ташкилотининг аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарори ташкилот ҳисобида турган уюшма аъзоларининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади ва Ўзбекистон ЖУ бошқаруви котибияти томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Бошланғич ташкилотнинг аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарори устидан журналист бир ой муддат ичида уюшма юқори органларига шикоят ёзиш ҳуқуқига эга.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ихтиёрийлик асосида Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларни, шунингдек, бошқа журналистлар бирикмаларини ўзида бирлаштиради.

8-банд. Бошланғич журналистика ташкилотлари

Бошланғич журналистика ташкилотлари уюшманинг асоси ҳисобланади. Улар уюшма аъзоларининг иш жойлари — газета ва журнал таҳририятларида, телевидение ва радио эшиттиришда, ахборот агентликлари ва нашриётларда, уюшманинг камида учта аъзоси бўлган бошқа ташкилотларда тузилади. Шунингдек, бир нечта туман, шаҳар ва нашриётлардаги уюшма аъзоларини ўз ичига олган ҳудудий бошланғич ташкилотлар, бирикмалар ва бошқа бирлашмалар ҳам тузилиши мумкин. Улар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан рўйхатга олинади ва уларга юридик шахс мақоми ва молиявий мустақиллик берилади.

Ўзбекистон ЖУ аъзоси қайси ташкилотда ҳисобда туришни ўша ташкилотнинг розилиги билан ўзи белгилайди. Ўзбекистон ЖУнинг нафақага чиққан аъзолари ўз хоҳиши билан сўнгги иш жойларидаги бошланғич ташкилотда ҳисобда турадилар.

Бошланғич журналистика ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— таҳририят Уставини ишлаб чиқишда, таъсис этувчи ва нашр билан шартномалар тузишда қатнашиш, унга амал қилишни назорат этиш;

— жамоада меҳнат низолари чиққанда уларни қонуний ҳал этишда қатнашиш;

— матбуот эркинлигини, таҳририят жамоасининг касб жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш ва журналистлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунда кўзда тутилган барча чоралардан фойдаланиш;

— уюшманинг раҳбар органлари таркибига ўз вакилларини тавсия этиш, зарур ҳолларда уларни чақириб олиш масаласини ҳал этиш;

— журналистика касби ахлоқ-одоби тартиб-қоидаларига риоя қилиш ишларини кўриб чиқиш;

— уюшма аъзоларини касб ўқишига тавсия этиш;

— ижодий мусобақалар, кўргазмалар, ижодий танловлар, семинарлар, тезкор мажлислар ва бошқа тадбирларни ташкил қилишда ва уларнинг якунини кўриб чиқишда иштирок этиш;

— энг яхши ишларни мукофотларга тавсия этиш, уюшма аъзоларини тақдирлаш ва рағбатлантириш юзасидан таклифлар киритиш;

— мукофотларга, фахрий унвон ва шу кабиларга тақдим этилаётган уюшма аъзоларининг тавсифномаларини кўриб чиқишда иштирок этиш;

— уюшма аъзоларининг Уставдан келиб чиқадиган бурч ва топшириқларни қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш, уларнинг Ўзбекистон ЖУ аъзоси деган номга нечоғлиқ муносибликлари ҳақида бир қарорга келиш;

— уюшма аъзоларининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя этиш;

— таҳририят маблағи ва даромадларини тақсимлашда, ишга қабул қилинаётган ва бўшатилаётган номзодларни кўриб чиқишда, лавозимга кўтариш, рағбатлантириш ва жазолашда, ходимларни саралаш пайтида иштирок этиш;

— нашриларнинг ва тижорат фаолияти билан шуғулланиш, банкда ҳисоб-китоб рақамига, муҳрга эга бўлиш. Ишлаб чиқаришдан тушган даромад корхона таъсис этувчилари билан бошланғич ташкилот ўртасида тузилган шартномага асосан тақсимланади. Шартнома бошланғич ташкилот йиғилишида тасдиқланади ва бекор қилинади.

9-банд. Бошланғич ташкилотнинг олий органи умумий йиғилишдир. Йиғилиш зарурат туғилганда чақирилади, барча масалалар очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

10-банд. Бошланғич журналистика ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши иккиуч йилда бир марта ўтказилади. Йиғилиш котиб ва унинг ўринбосарини сайлайди. Уюшманинг 15 ва ундан ортиқ аъзоси бўлган ташкилотларда бошланғич ташкилотнинг бюроси сайланади. Бошланғич ташкилот котиблари ЖУ аъзоси сифатида камида уч йиллик стажга эга бўлишлари керак.

Котиб, бюро режа билан ташкилий ва ижодий иш олиб борадилар, Уюшма аъзоларини рўйхатга оладилар, аъзолик бадалларини йиғиб, бошқарув кассасига топширадилар, қилинган ишлар тўғрисида ҳар йили уюшма аъзоларининг умум йиғилишида ҳисоб берадилар.

11-банд. Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги журналистика ташкилотларни мустақил иш олиб борадилар ва барча ташкилий-ижодий, нашриёлик, ишлаб чиқариш-тижорат фаолиятларини ўз ҳудудларида Ўзбекистон ЖУ Уставига асосан амалга оширадилар. Улар юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланадилар, ўз номлари битилган доира шаклидаги ва тўртбурчак муҳрга, банкда ўз ҳисоб-китоб рақамларига эга бўладилар.

Қорақалпоғистон ЖУнинг олий органи беш йилда камида бир марта чақириладиган съезд, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларнинг олий органи эса беш йилда бир марта чақириладиган конференциядир.

12-банд. Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— бошланғич журналистика ташкилотларига раҳбарлик қилиш;

— ташкилий-ижодий, хўжалик-тижорат фаолиятини амалга ошириш, хўжалик ҳисобидаги ижодий марказлар ва бирлашмалар, секция ва комиссиялар, фотостудиялар ва бошқа тузилмалар ташкил этиш;

— журналистлар ва жамоатчи мухбирлар ўқувини ташкил этиш;

— матбуот конференциялари, тезкор мажлислар ва семинарлар ҳамда долзарб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва касб муаммоларига бағишланган бошқа турдаги тадбирларни ўтказиш;

— ижодий мусобақалар ўтказиш, таҳририятлар жамоалари ва журналистларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда кенг ёйиш;

— Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилиш, уюшма аъзоларини рўйхатга олиш масалаларини ҳал этиш;

— белгиланган тартибда нашриларнинг амалга ошириш;

— хорижий журналистлар вакилларини кутиб олишда Ўзбекистон ЖУ бошқарувига кўмаклашиш;

— биродарлашган вилоятлар ва шаҳарлар оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасидаги ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, жумҳурият журналистларининг хорижий ҳамкасблари билан ижодий ҳамкорлигини жонлантирувчи турли хил шакллардан фойдаланиш, журналистларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

13-банд. Қорақалпоғистон ЖУ бошқаруви Қорақалпоғистон журналистлар уюшмаси съездида, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотлар бошқаруви эса шу ташкилотларнинг конференцияларида сайланади. Бу анжуманларда тафтиш комиссиялари ҳам сайланади.

Қорақалпоғистон ЖУ ва вилоятлар ташкилотлари бошқарувининг пленумлари йилига камида икки марта чақирилади.

Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги журналистика ташкилотларининг бошқарувлари бошқарувнинг масъул котиби, унинг ўринбосарлари ва Кенгаш аъзоларидан иборат бошқарув котиблари Кенгашини сайлайди.

Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотлар бошқарувларининг масъул котиблари ўз вазифаларини доимий равишда адо этадилар ва шу ташкилотлар ишлаб топган маблағ ҳисобидан маош олиб турадилар.

14-банд. Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотлар тафтиш комиссиялари раиси, унинг ўринбосари ва котибни сайлайди. Комиссия шу ташкилот ва унга бўйсунувчи муассаса ва корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириб туради, шунингдек, ижодий уюшмага келадиган хатлар билан ишлашни текширади.

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

15-банд. Съезд.

Уюшманинг олий органи Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг беш йилда камида бир марта чақириладиган съездидир. Навбатдан ташқари съездлар ёки конференциялар бошқарув қарори билан ёхуд Ўзбекистон ЖУ жами аъзоларининг камида 50 фоизи талаб қилган тақдирда чақирилади.

Съезд ёки конференцияга ваколат миқдори ҳамда вакиллар сайлаш тартиби журналистика ташкилотларининг таклифига асосан Ўзбекистон ЖУ бошқаруви пленуми томонидан белгиланади.

Съезд ёки конференцияларга вакиллар сайлаш тўғридан-тўғри яширин ва муқобил асосда бўлади.

Съезд:

— Ўзбекистон ЖУ Уставини қабул қилади ва зарурат туғилганда унга ўзгартишлар киритади;

— бошқарув, тафтиш комиссияси ва Ўзбекистон Журналистлар фондининг ҳисоботларини тинглайди ва тасдиқлайди;

— уюшма фаолиятининг навбатдаги съездгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилайди;

— яширин овоз бериш йўли билан муқобил асосда ЖУ бошқарувини, унинг бошқа ишдан озод этилган раисини, биринчи ўринбосарини, раис ўринбосари ва бошқарув котибини, шунингдек, тафтиш комиссияси ва унинг раисини, ЖУга қарашли оммавий ахборот воситаларининг муҳаррирларини сайлайди;

— Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фондини тузади ва муқобил асосда унинг раисини сайлайди;

— журналистика ахлоқ-одоби ва ҳуқуқи Кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди, Кенгаш аъзолари ва унинг раисини сайлайди.

15-банд. Бошқарув

Съездлар оралиғида ЖУ ишларини бошқарув ва унинг томонидан сайланган котибият олиб боради.

Бошқарув таркибига Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги журналистика ташкилотларидан номзодлар сайланади, бунда уюшманинг ҳар 50 аъзосидан бир номзод танланади. Бошқарув аъзолари Қорақалпоғистон журналистлар съездидан ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятлар ташкилотлари конференцияларида тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан муқобил асосда сайланади, сўнг Ўзбекистон ЖУ съездида тасдиқланади.

Ташкилотлар чақириб олиш ва кўпчилик овоз билан янги сайланган бошқарув аъзосини вакил қилиш ҳуқуқига эга.

Уюшма бошқарувининг пленумлари зарурат туғилганда, аммо йилига камида бир марта чақирилади. Бошқарув ўз аъзоларидан камида ярмиси иштирокидагина қарор қабул қилиш ваколатига эга. Қарорлар очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

17-банд. Котибият

Котибият бошқарув идорасининг миқдорий таркибини, штатларни, мансаб маошларини, шунингдек, буларга сарф бўладиган харажатлар ҳажмини тасдиқлайди, шошилинч масалаларни ҳал этади ва уюшманинг кундалик ишларига раҳбарлик қилади.

Бошқарув котибияти икки ойда камида бир марта тўпланади.

Бошқарув идораси котибият томонидан ходимларнинг ишчанлиги ва касб малакасига қараб танлов асосида тайинланади.

18-банд. Тафтиш комиссияси

ЖУ тафтиш комиссияси съездлар оралиғида котибият ва унинг идораси ишини, бошқарув, уюшма ташкилотлари ва уларга бўйсунувчи корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиб туради, хатлар билан ишлашнинг ҳолатини текширади.

Тафтиш комиссияси съезд белгилаган миқдорда сайланади.

19-банд. Касб ахлоқ-одоби ва ҳуқуқи Кенгаши

Ўз ишини съезд томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширади. Уюшмага аъзо қилиш ва ундан чиқариш билан боғлиқ шикоятномалар билан шуғулланади, журналистларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқади, ҳуқуқ ва бурчга дахлдор баҳсларни, шунингдек, уюшма аъзолари, таҳририятлар, ноширлар ва оммавий ахборот воситаларининг таъсис этувчилари ўртасидаги бошқа келишмовчиликларни ҳал этади, журналистика ахлоқ-одоби қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай ишни кўриб чиқиш учун қабул қилади.

20-банд. Ўзбекистон ЖУдаги мансабдор шахслар.

Ўзбекистон ЖУ бошқарувининг раиси, унинг ўринбосарлари ўз вазифаларини мунтазам адо этадилар ва лавозим учун белгиланган маошни олиб турадилар. Улар ҳақ тўланадиган бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ АСОСЛАРИ

21-банд. Ўзбекистон ЖУ юридик шахс сифатида

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси юридик шахс, Ўзбекистон ССЖ Конституцияси доирасида иш юритувчи иқтисодий жиҳатдан мустақил ва сиёсий жиҳатдан дахлсиз тузилмадир. Унинг ҳуқуқий аҳволи «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Уюшма Ўзбекистон журналистларини Давлат мукофотлари ва фахрий унвонларга тавсия этади.

Ўзбекистон ЖУ ўз номи битилган эмблемаси, доира шаклидаги ва тўртбурчак муҳрига, банкларда ўз ҳисобига эга.

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари юридик шахс сифатида жумҳуриятда амал қилиб турган қонунларга биноан ўз мол-мулкига ва ўзининг оммавий ахборот воситаларига эга.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларига доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида ташаббус кўрсатиш, шунингдек, матбуот, телевидение ва радио ходимларининг моддий, касбий, ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриш тўғрисида давлат органларига таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари журналистларнинг нашриларда ва оммавий ахборот воситаларининг таъсис этувчилари олдидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, давлат органлари ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларда конституцион ва парламент йўли билан шу ишни амалга оширади.

22-банд. Нашриларнинг ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари амалдаги қонунлар асосида хўжалик, нашриларнинг-иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ижодий ташкилот сифатида унинг фаолияти давлат солиғи ва маҳаллий солиқлар, йиғимлар, таможня божи ҳамда давлат ва маҳаллий бюджетга ўтадиган бошқа хил тўловлардан озод этилади.

Ўзбекистон ЖУ бошланғич ташкилотдан тортиб унинг барча ташкилотлари ўз тасарруфларида хўжалик ҳисобидаги ижодий марказлар ва бирлашмалар, корхоналар, клублар, бирикмалар, реклама агентликлари, фотостудиялар, ширкатлар ҳамда бошқа хил корхона ва ташкилотлар тузадилар.

Улар рўзномалар, журналлар нашр этиш, нашриётлар, журналистлар уйлари, кўргазма заллари, дам олиш уйлари ва базалари, пансионатлар очиш, малака ошириш ўқуви, кўргазмалар, жумҳурият ва Бутуниттифоқ миқёсида ижодий тадбирлар ташкил этиш, ширкат уй-жойлар қурилишида пай асосида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ЖУ Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фонди фаолиятига раҳбарлик қилади. Журфонднинг вазифаси журналистларнинг ижодий ва ижтимоий маиший ҳаёти ва фаолияти шароитларини яхшилаш учун моддий-техник ва молиявий замин яратишдан иборат. Журфонд корхоналар, дам олиш базалари, шифохоналар очади ва уларнинг ишига раҳбарлик қилади, ижтимоий-маиший бинолар, уй-жойлар қуради.

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари таъсис этувчилар ва нашриларнинг билан биргаликда ижодий жамоалар фаолияти, ходимларни ишга тайинлаш ва саралаш, маънавий ва моддий рағбатлантириш ишлари устидан раҳбарлик қилишда қатнашади, амалдаги қонунлар асосида меҳнат низоларини ҳал қилишда иштирок этади.

23-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг пул маблағлари

Ўзбекистон ЖУнинг пул маблағлари қуйидагилардан ташкил топади:

— уюшмага кириш бадали ва ойлик аъзолик бадалларидан;

— уюшма ва унинг корхона ҳамда ташкилотларининг нашриларнинг ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятидан тушган даромадлардан;

— кўргазмалар, лотерея ўйинлари, кимошди савдоси ва бошқа пуллик тадбирлардан тушган даромадлардан;

— Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фондидан;

— бошқа даромадлардан.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига аъзо бўлиб кирувчилар 30 сўм миқдорида кириш бадалини, сўнг эса ҳар ойда 2 сўмдан аъзолик бадалини тўлайдилар. Ишламайдиган нафақахўрлар ойига 50 тийиндан тўлайдилар.

24-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида фаолият тартиби Устав (Низом) билан белгиланадиган Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фонди ва бошқа махсус фондлар ташкил этилади.

25-банд. Уставни ўзгартириш тартиби

Устав Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси съездининг вакиллар умумий сонининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

26-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фаолиятини тўхтатиш

Ўзбекистон ЖУ ўз фаолиятини съезд қарорига кўра тўхтатиши мумкин. Пул маблағлари ва мол-мулк ана шу қарорда кўрсатилган органларга топширилади.

27-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг бошқаруви Тошкент шаҳрида жойлашган.

Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳридаги цемент заводида турли миллат вакиллари аҳиллик билан меҳнат қилмоқдалар. Бу ерда жумҳуриятимиз қурилишларига шифер, цемент, оҳак тайёрлаб жўнатилади. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, цехларни реконструкция қилиш авжида.

Суратларда: 1. (Чапдан ўнгга). Илғор ишчилардан О. Тўхтаохунов, Ф. Куртемикова, П. Фереферов, Х. Фозилов, О. Қубонова, О. Ғофурова. 2. Корхона цехларидан бирида.

Р. ШАРИПОВ туширган суратлар.



СОДИҚ ФАРЗАНДЛАР ХОТИРАСИГА

● ТОШКЕНТ. Октябрь ноҳияси халқ таълими бўлими бутун умрини ёшларни намунали тарбиялаш ишига бағишлаган, ўқитувчилар жамоаси ва ота-оналар эъзоз-эҳтиромига сазовор бўлган маорифчилар номини абадийлаштириш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда.

Масалан, ўтган йилнинг ўзида ноҳия ҳудудидаги мавжуд 35 та мактабнинг ўндан зиёди ана шундай — фидойи кишилар номи билан атала бошланди. Айниқса, меҳнат фаолияти жумҳуриятимиз ҳаёти билан боғлиқ бўлмаган кишилар номининг ўзгартирилиши ноҳия аҳлининг дилидаги иш бўлди.

Жумладан, Жданов номли 82-ўрта мактаб узоқ йил шу масканда ўқитувчилик қилган Малик Мажидов, 276-мактаб Фаттоҳ Умаров, Гагарин номидаги 98-болалар интернати шу интернатнинг собиқ директори марҳум Гаффор Рашидов, Свердлов номли 41-мактаб Ҳасанхон Исмоилов, Шишкин номига қўйилган 186-мактаб таниқли педагог Ҳабиб Турсунов номини олди.

Куни-кеча шу ноҳияга қарашли Ибн Сино мавзесидаги 262-ўрта мактабда ҳам тантана бўлди. Бу тадбир билим масканининг ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ халқ маорифи аълочиси, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи, марҳум Аъзамхон Рустамов номи билан аталишига бағишланган эди. Йиғинда устоз муаллимнинг жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган шогирдлари, дўсту ёрлари, фарзандлари, невара-чевералари иштирок этишди. У ҳақдаги қимматли хотиралар ўртоқлашилди.

Ўзбекистон ССЖ халқ таълими вазири К. Юсупов халқимизнинг содиқ фарзандларининг номларини абадийлаштириш қайта қуриш шарофати эканлигини таъкидлаб, бундай хайрли ишларни кенг оммалаштириш зарурлигига эътиборни қаратди.

А. МАННОПОВ.

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан

Маълумки, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий темурийлардан Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврда Хуросон ва унинг пойтахти Ҳиротда яшаб ижод қилган. Бу вақтда фан, адабиёт ва санъатнинг деярли ҳамма соҳалари кенг ривожланди, улкан ютуқлар қўлга киритилди. Бунда шоир ва олим, вазир ва маданият ҳомийси Алишер Навоий хизмати, айниқса катта бўлган эди. Алишер Навоийнинг ўзи ҳам адабиёт соҳасида «Хамса»,«Хазойинул-маоний» каби буюк асарларни яратди. Навоий ҳаёти ва фаолиятида эса унинг замондошлари гоят ижобий роль ўйнадилар. Қуйида Навоийга замондош бўлган ҳамда унга яқин туриб фаолият кўрсатган бир гуруҳ олим, шоир ва санъат аҳллари билан танишасиз.

Лутфий

Мавлоно Лутфий Алишер Навоийнинг кекса замондоши эди. Навоий уни «Маликул-калом» («Сўз подшоси») деб атаган. Лутфий катта поэтик мерос соҳиби эди. Бизгача шоирнинг она тилида яратилган лирик асарларидан иборат девони ҳамда «Гул ва Наврўз» достони етиб келган. Унинг форсий тилдаги лирик меросидан айрим намуналарга эгамиз. Навоий шоирнинг «Зафарнома» достони ҳақида маълумот беради. Лутфий музика тарихи билан ҳам шуғулланган. Шоир меросининг бу қисми ҳали аниқланмаган.

Лутфий ўзбек ғазалчилигининг усталаридандир. Навоий Лутфий шеърларининг ўз даврида кенг шуҳрат тутганлигини, адабий суҳбатлар ва мушоира кечаларида уларнинг завқ билан ўқилганлигини алоҳида таъкидлайди.

Лутфийнинг она тилида яратган асарлари, шунингдек форсий шеърлари дунёвий лирика тараққиётидаги катта салоҳиятини кўрсатиб беради.

Навоий «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Насойимул-муҳаббат» каби асарлари ва «Бадое ул-бидоя» девони, «Дебочаси»да Лутфийнинг улуғвор шахсиятини характерлаб бергани каби, унинг бой ва серқирра поэтик оламига хос фазилатларни ҳам таъкидлайди. Бу азиз ва табаррук зотга бўлган эътиқодини юксак бир туйғу билан эсга олади.

Дарҳақиқат, Навоий Лутфий ҳаётининг яқин шоҳидларидан эди. Лутфий 1366-1465 йиллар давомида яшаб ижод этди. Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида ёзишича, у тўқсон тўққиз йил умр кўрган. Ҳирот яқинидаги Деҳликанор мавзеида туғилган шоирнинг қабри ҳам шу ернинг ўзидадир. Навоийнинг маълумотига кўра, Лутфий камтарона ҳаёт кечирган. Абдураҳмон Жомий билан яқин муносабатда бўлган. Ҳирот ёш қаламкашлари ўртасида устоз сифатида эътибор қозонган.

Алишер Навоий инсоннинг энг юксак ва сержило туйғуларини содда, айни пайтда жозибадор, ширали тил билан ифодалаб берган Лутфий ғазалларининг сеҳри ҳақида кўп гапиради. Навоий Лутфийнинг қатор шеърларига казиралар ёзган. Бундан ташқари у Лутфийнинг «Лайлатул меъроржнинг шарҳи сочи тобиндадур», «Кўкдадур ҳар дам фиғоним кўргали сен моҳни», «Эй, сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами» мисралари билан бошланувчи ғазалларига маҳорат билан муҳаммаслар боғлаган. «Бадое ул-бидоя» девонидан ўрин олган бу мухаммаслар сирасида Навоий Лутфийнинг «Эй жамолинг лоязолу бебадал ҳуснунг жамил», «Эй, қадинг тубийи жаннат ҳадди гулгун устина» сатрлари билан бошланувчи ғазалларига боғлаган мусаддаслари ҳам мавжуддир.

С. ЭРКИНОВ,
филология фанлари доктори.

Абдураҳмон Жомий

Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида ўз замондошлари ҳақида сўзлар экан, биринчи бўлиб Абдураҳмон Жомий номини тилга олади ва бу ўринда уни ўз давридаги адабий ва маданий ҳаётнинг «раъс ва раиси», илм ва шеър аҳлларининг «муқтадоси» деб таърифлайди.

Абдураҳмон Жомий Хуросоннинг Жом вилоятида туғилган бўлса ҳам, ҳаётининг катта қисми Ҳиротда ўтган. У ёшлигидан адабиёт ва илмнинг турли соҳаларига, диний фанларга қизиққан, жуда эрта шеърлар ёза бошлаган. У Самарқанд мадрасаларида Саъдидин Кошғарий раҳнамолигида тасаввуф йўлига кирган, Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротнинг шайхул-исломи бўлган.

Жомий бадиий ижоднинг ҳамма соҳалари билан қизиққан, ўз шеърларидан «Фотиҳатуш-шабоб», «Воситатул-иқд», «Хотиматул-иқд» номлари билан уч девон тузган. Навоий билан бир вақтда етти достонни ўз ичига олган «Ҳафт авранг» («Етти тахт») достонлар мажмуасини яратган. Жомийнинг достонлари ва лирик шеърлари, хусусан ғазаллари нақадар завқли ва гўзал ёзилгани ҳақида Навоий ўз «Хамса»сида шундай деган эди:

Ғазал дарду сўзини
вах-вах, не дей!
Деса маснавий, аллаҳ-аллаҳ,
не дей!

Жомий ўз даврининг кўп қиррали олими ва файласуфи эди. Навоий, «Хамсатул-мутаҳаййирин»да унинг қирққа яқин асарлари номини санаб ўтган.

Жомий билан Навоий биринчи марта Машҳаддан Ҳиротга қайтганидан кейин 1464-1465 йилларда кўришган ва танишган. Лекин улар орасидаги чинакам яқинлик Навоий Самарқанддан қайтгандан сўнг, Султон Ҳусайн Бойқаро саройида аввал муҳрдор, кейин бош вазир сифатида фаолият кўрсата бошлаганда юз берган.

Жомий ва Навоий мамлакатдаги кўп сиёсий ва маданий масалалар бўйича ҳам ҳамфикр эдилар. Бизгача етиб келган Жомий мактубларининг («Мажмуаи мурасалот») кўп қисми Навоийга йўлланган бўлиб, уларда Жомий тез-тез Навоийдан аҳолининг камбағал ва қашшоқ вакилларига ёрдам кўрсатишни илтимос қилиб турган. Жомийга Навоийнинг ихлоси чексиз бўлиб, унинг айтганларини бажарар, шу билан бирга Жомийдаги адабиёт ва илмий даҳонинг юзага чиқишига ҳаракат қилар эди. Шунинг учун ҳам Жомийнинг бир қатор асарлари Навоий илтимосига кўра ёзилган. Навоий Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» асарини ўзи ўзбек тилига янада тўлдириб таржима қилди. Жомий вафот этгач, у «соҳиби аза» сифатида дафн маросимига раҳбарлик қилди. Жомий вафотига атаб марсия ёзди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас унга бағишлаб «Хамсатул-мутаҳаййирин» асарини яратди.

А. ҲАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори.

Хондамир

Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида: «Мавлоно Хондамир Мирхонднинг фарзандидур ва салоҳиятлиқ йигитдур. Тарих фанида маҳорати бор», — деб ёзганида Хондамир эндигина битта тарихий асари «Хулосатул-ахбор»ни ёзиб тугатган эди.

Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир Алишер Навоийнинг кичик замондошларидан эди. У ёшлик чоғлариданоқ бобоси машҳур тарихнавис Мирхонд ёнида Алишер Навоийнинг кутубхонасида ишлаган. Улғайгач ҳам шу ерда хизмат қилган Хондамир Навоийнинг марҳамати туфайли Мирхонднинг «Равзатус-сафо»ни ёзиш устидаги ишини давом эттириб, йирик тарихчи сифатида шуҳрат қозонди.

Макоримул-ахлоқ рисоласи.

Хондамирнинг «Дастурул-вузаро», «Маосирул-мулук», «Ҳабибус-сияр», «Номаи номий», «Разватус-сафо» (VII-китоб) каби бир қатор асарлари XV-XVI асрлардаги Ўрта Осиё ва Хуросон халқлари тарихини, маданияти ва адабиётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Хондамир бир қатор тарихий асарларида Алишер Навоий ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради.

Агар Хондамир «Ҳабибус-сияр» (1515-23 йилларда ёзилган) асарида Алишер Навоийни жамоат арбоби, адолатли амир, Ҳусайн Бойқаро ва шаҳзодаларнинг энг яқин маслаҳатчиси тарзида тасвирласа, «Хулосатул-ахбор»да (1498-99 йил) Алишер Навоийнинг бинокорлик фаолияти, унинг ҳомийлигида йирик бадиий, илмий, тарихий асарлар яратган олиму фозиллар, шоиру котиблар, наққошу муҳандислар, созандаю гўяндалар хусусида фикр юритади.

Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ» (1501 йил) асари эса Алишер Навоий ҳақида махсус битилган биринчи мукаммал асар эди.

Алишер Навоийнинг болалик чоғлари, тарбияси, ўз даврининг йирик ва муҳтарам шоири Лутфий билан бўлган дастлабки мулоқоти, Абдураҳмон Жомий билан ҳамфикрликлари ҳақидаги қимматли маълумотлар илк бор шу «Макоримул-ахлоқ» асарида ёритилган.

М. МИРЗААҲМЕДОВА,
филология фанлари номзоди.

Алишер Навоий замондошлари

Паҳлавон Муҳаммад Куштигир

Алишер Навоийнинг энг яқин кишиларидан бири замонасининг баркамол фарзанди, чин инсоний фазилатлар ва қомусий билимлар соҳиби Паҳлавон Муҳаммад эди. Моҳир курашчи-полвон сифатида донг чиқариб, катта довруғ қозонган бу шахсни Навоий жаҳондаги «паҳлавонларнинг паҳлавони ва паҳлавонлиқ жаҳонининг жаҳон паҳлавони» унвони билан улуғлайди.

Паҳлавон табиатининг етакчи белгилари ҳақида сўз очаркан, Навоий жумладан, зўравонлар билан юзма-юз олиша оладиган («ҳамовард»), аммо ожизу бечораларга ёрдамини асло аямайдиган меҳр-шафқатли, дея тавсифлайди:

Ҳувват аҳлиғ ҳамовард
келиб,
Лек дард аҳлиға ҳамдард
келиб,
Ҳар бағир ёрасининг
марҳами ул!

Навоий гувоҳлигига кўра, у нужум, тиб ва ҳикмат, шунингдек, фиқҳ (диний ҳуқуқ) илмларини чуқур эгаллаган. Алишер Навоий ўз давридаги ижодкорларга бағишланган машҳур «Мажолисун-нафоис» тазкирасининг тўртинчи мажлиси-бобини Паҳлавон Муҳаммад ҳақидаги тавсифнома билан бошлайдики, бу асло тасодифий эмас. Гап шундаки, Паҳлавон адабиёт, аруз, бадиий санъатлар илмининг етук билимдонигина эмас, балки яхшигина асарлар ярата олган ижодкор ҳам эди. Тазкирада Навоий унинг қаламига мансуб рубоий ҳамда бир ғазалнинг матлаъ байтини намуна сифатида келтирар экан, бу ғазали учун «подшоҳ минг олтун сила (инъом) иноят» қилганлигини маълум қилади. «Куштигир» (кураш тушувчи полвон) тахаллусида қалам тебратган Паҳлавон Муҳаммаднинг ижодий фаолияти хусусида Навоий кейинчалик унга махсус бағишланган асарида анча кенг маълумотларни келтиради, бир неча муаммо, китъаларини тилга олади, маснавийдан қатор байтларини қайд этади.

Тақдир Навоийни 12-13 ёшлик чоғларидаёқ шу гўзал хислатли покиза инсон билан учраштирган ва тез орада улар ўртасида самимий дўстлик, ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳурмат-садоқат ришталарини мангулликка мустаҳкам боғлаган. «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарини Навоий 1493 йилда шу қадрдон кишисининг вафоти муносабати билан яратган.

А. АБДУҒАФУРОВ,
филология фанлари доктори.

Мирхонд

Мирхонд (тўла исми Мир Муҳаммад ибн Сайид амир Бурҳониддин Ховандшоҳ ибн Шоҳ Камолиддин Маҳмуд Балхий (1432-1433 йиллар орасида туғилган. 1498 йилнинг 22-чи июнида вафот этган). Мирхонднинг отаси Бурҳониддин Ховандшоҳ бухоролик бўлиб, Балхга кўчиб келган. Мирхонд шу ерда туғилиб, кейин Алишер Навоийнинг ҳомийлигида умрини Ҳиротда ўтказган. Унинг умумий тарихга оид «Разватус-сафо фи сиратул-анбиё вал-мулук вал-хулафо» («Халифалар, подшоҳлар, авлиёлар ҳаётига оид мусаффолик боғи») номли асари маълум. Асар Навоий таклифи билан ёзилган. Охирги қисмларини Хондамир ёзган.

Мазкур асар Одам Атодан 1523 йилга қадар ўтган тарихни ўз ичига қамраган ва жуда кўп манбалар асосида ёзилган.

Мирхонд ўз ҳомийси Амир Алишер Навоийга тегишли тарихни ёритишга алоҳида тўхталиб ўтади ва унга махсус бўлимлар ажратади. Масалан, «Улуж ва соҳибқадбир Амир Алишернинг Султон Аҳмад Мирзо ўрдусидан жаҳонгир ҳоқон Султон Ҳусайн Мирзо мулозаматига келишининг баёнида мушкин рақам қаламнинг нуқтатирозлиги ва унинг ҳолаҳволини баён этишда кўрсатган сеҳрпардозлиги», «Ҳоқони Мансурнинг Амир Низомуддин Алишерни амирлик манбасига ўтқизгани баёни», «Ҳоқони Мансурнинг Амир Алишерни Астробод аёлати билан сарфароз этиши, ул адолат шоир Амир Алишернинг ҳукмига биноан ўша вилоятга жўнаб кетиши», «Хожа Афзалуддин Муҳаммаднинг ҳажга боргани ва Амир Алишернинг Астробददан келиб шу вилоят ҳокимлигидан озод қилишни талаб этгани ҳақида», «Амир Алишернинг иниси Дарвиш Алининг Балх вилоятида саркашлик қилгани баёни», «Улуғ Амир Алишернинг ҳаж нияти билан муқаддас Машҳад шаҳрига боргани ва ул ҳазратнинг жўнаши ҳақида ҳоқони Мансурнинг иноятнома юборгани» ва ҳоказо.

Мазкур асар эски ўзбек тилига Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммадниёз Комил тарафидан таржима қилинган ва литографик тарзида нашр этилган.

Асар Оврупода кўп вақтларгача тадқиқотчилар учун Эрон ва Ўрта Осиё тарихи бўйича ягона манба бўлиб хизмат қилган.

Д. ЮСУПОВА,
ЎзФА шарқшунослик илмгоҳининг катта илмий ходими.

Абдулла Ҳотифий

Алишер Навоийнинг моддий ва маънавий ёрдамидан баҳраманд бўлиб ўсган адиблар орасида Бадриддин Ҳилолий, Камолиддин Биноий, Мавлоно Осафий, Зайниддин Маҳмуд Восифий каби ўнлаб форс-тожик адиблари бор эди.

Шулардан бири Абдулла Ҳотифийдир. Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида Ҳотифийнинг маҳоратига юксак баҳо бериб, унинг айрим нуқсонларини ҳам кўрсатиб ўтади. Ҳотифийнинг бир қатор асарларида Навоий номи ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олиниб, унинг эпик асарларида Алишер Навоий мадҳига бағишлаб махсус боблар ажратилади. Бу жиҳатдан Ҳотифийнинг «Ширин ва Ҳусрав», «Лайли ва Мажнун» достонларида Навоий мадҳига бағишланган махсус боблар диққатга сазовордир.

Ҳотифий ўз асарида шу мавзуда асар ёзган салафлари, хусусан Абдураҳмон Жомий мадҳига махсус боб ажратмаган ҳолда, Алишер Навоий таърифига алоҳида тўхталишни лозим кўрган.

Бу бобда Ҳотифий Алишер Навоийнинг шеъриятдаги юксак маҳоратини, унинг қалами қудратини, энг яхши инсоний фазилатларини улуғлаб, шоирнинг фазлу ҳунарда, хулқу карамда ўз замонасининг беназири эканлигини таъкидлайди. Уни араб шоири Ҳассон, улкан сўз усталари Абулқосим Фирдавсий, Ҳоқоний Ширвоний, Амир Хусрав Деҳлавийлар билан таққослайди ва Алишер Навоий ўз замонида бу буюк адиблар эришган даражадан ҳам янада юқорироқ погонага кўтарилганини эътироф этади.

Э. ШОДИЕВ,
филология фанлари доктори.

Камолиддин Беҳзод

XV аср иккинчи ярмида Навоийнинг саховатидан, мураббийлигидан баҳраманд бўлмаган шоир ва адиблар, тарихчилар, ҳаттот ва мусаввирлар, мусиқачи ва бошқа касб эгалари кам. Навоий ўша ҳунармандларнинг ҳаммаларига қунт ва эътибор билан маслаҳатлар берар, ҳамда уларга ҳомийлик қилар эди.

«Шарқнинг Рафаэли» деб ном олган буюк рассом Камолиддин Беҳзод ҳам Ҳазрат Навоийнинг истеъдодли шогирдларидан бири эди.

Бир кичик ҳикояни муҳтарам ўқувчилар эътиборларига ҳавола қилмоқчимиз.

«Амир Алишер ўз либосини ўзгартирган ҳолда бир фақир наққош (бўлажак Беҳзод)нинг кулбасига келиб, унинг эшигини тақиллатади. Ичкаридан «лаббай» садосини эшитгач, ичкарига кираги. Уй ичида Шоҳ -(яъни Султон Ҳусайн Бойқаро — О. У.) тасвирларидан кўра кўпроқ ўзининг тасвирларини кўради. Ҳайратланиб у ёш наққошдан сўрайди:

— Бу тасвирлар кимники?

Наққош тавозе билан жавоб беради:

— Барча ҳунармандларнинг отаси, тадбиркор Амир Алишер жанобларинникидурким мен ўзларининг ҳузурида турибман.

Амир дейди:

— Нега шу пайтгача ҳузуримга келмадинг?

Наққош бироз ийманиб жавоб беради:

— Нима учун? Борганимда Сиз менга туҳфалар инъом қилардингиз. У ҳолда мен ўз асарларимни сизга сотган бўлардим. Ваҳоланки, Сизнинг тасвирларингизга шу қадар ҳам харидор кўпки, Сизга навбат ҳам етишмайди.

Амир наққошга таъзим қилди ва деди:

— Қадр ва қимматимни мен Амир даргоҳидан эмас, балки бир ғариб наққош кулбасидан топганим учун бағоят шодмен.

Сўнгра Амир Алишер ғариб наққошнинг қандай эҳтиёжи бўлса, ҳаммасини муҳайё этишга ваъда берди».

Бу кичик ҳикоя бизга XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган Навоий ва Беҳзод ўртасидаги муносабатларнинг нақадар илиқ ва самимий бўлганидан гувоҳлик беради.

О. УСМОНОВ,
филология фанлари номзоди.

Беҳзод ишлаган миниатюралардан.

Сайид Ҳасан Ардашер

Алишер Навоийнинг ҳаётида, маънавий камолотида катта роль ўйнаган улуғ зотлардан бири «солики фоний ва гавҳари коний,орифи маоний... Сайид Ҳасан Ардашер» эди. Шунинг учун ҳам Навоийнинг маноқиб руҳидаги учта асаридан бири — «Ҳолоти Сайид Ардашер» ана шу буюк зотга бағишланган (иккитаси Жомий ва Паҳлавон Муҳаммад ҳақида). Дарвоқе, Навоий йигирма беш-йигирма олти ёшлик пайтида Самарқанддан унга йўллаган маснавий-мактубида «жанобингга шогирду фарзандмен» деб алоҳида таъкидлаб ўтган.

Навоий маълумотига кўра Сайид Ҳасан «тарих саккиз юз тўқсон тўрт» (1488-1489)да — етмиш уч ёшларида оламдан ўттилар». Отаси Бойсунғур Мирзо ҳукмдорлиги (1416-1433-34) пайтида қушбегилик лавозимига эга бўлган. Унинг ўзи ҳам қарийб ўттиз йил (1457 йилгача) давомида дастлаб Бойсунғур тарбиясида, сўнгра унинг ўғиллари (Алоуддавла мирзо, Султон Маҳмуд мирзо ва Бобур мирзо) ҳузурида бўлади ва «ҳар қайси аларнинг риоят ва тарбиятиға машғул бўлубтурлар».

Навоий маснавий-мактубида устодни «Сафо субҳининг меҳри фардундаси», «Карам боргоҳида маснаднишин», «вафою саҳо кони» сифатида таърифлаган бўлса, йигирма уч йилдан сўнг ёзилган «Ҳолот»да унинг риндона табиатига хос олтита муҳим хислатни алоҳида таъкидлаб ўтади (саховат, шафқат, «лутф ва тавозуъ ва адаб ва юмшоқ сўз», таҳаммул ва бардош, кўнгулнинг юмшоқлиги, табиий бетакаллуфлик — «мутакаллиф либослар макруҳ кўрунгай ва дарвешона киймаклиқ мулойимроқ бўлғай»).

Навоий дастлаб 860 (1455-56) йилда «алар суҳбатига мушарраф» бўлади: «Алар тариқ ва равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматиға етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди ва алар ҳам келиб аҳвол сўрарлар эрди». Шуниси характерлики, бу пайтда Навоийнинг ёши 15 да эди. Лекин унинг «назмлари Хуросонда шуҳрат тутиб эрди, алар дағал илтифот қилиб, баъзи абъётни кўп ўқурлар эрди ва мажолисда хушвақт бўлурлар эрди».

Навоий «ҳам ота, ҳам муршиду пир»и вафотига таркиббанд шаклидаги 7 бандлик (156 байт) марсия бағишлайди.

Е. ИСҲОҚОВ,
филология фанлари номзоди.

Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайний)

Ҳусайн Бойқаро (тахаллуси Ҳусайний) Темур наслидан бўлиб, Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаронинг ўғлидир. У 1438 йилда Ҳирот шаҳрида туғилган.

Манбаларнинг хабар беришича, Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг оталари — Ғиёсиддин Муҳаммад Кичкина бахши Баҳодур билан Мирзо Бойқаронинг ўғли Ғиёсиддин Мансур эмиқдош бўлганлар.

1469 йилда узоқ курашлардан сўнг Ҳирот тахтини эгаллагач, Ҳусайн Бойқаро махсус маншур билан («Вақфия») Навоийни Самарқанддан пойтахтга сарой хизматига таклиф қилади.

Ҳусайн Бойқаро мамлакатда 30 йилча давом этган нисбий осойишталик ўрнатди. Маданият, илм-фан, адабиёт кенг ривож йўлига қўйилди. Бобур тили билан айтганда «Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажиб замоне эрди, аҳли базл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эрди, ҳар кишинингким, бир ишга машғуллуғи бор эрди, ҳиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолга тегурғай».

Хондамир «Макоримул — ахлоқ»да ёзишича, Ҳусайн Бойқаро мамлакат ободончилиги ҳақида қуттасил қайғурган ва бунда Навоий фаолиятига кенг йўл очиб берган. Шунингдек, мамлакатдаги маданий ҳаётни ривожланиши ҳақида ҳам доим қайғурган.

Ҳусайн Бойқаронинг яна бошқа тарихий хизматларидан бири — ўзбек шоирларини ўз тилларида ижод қилишга чорлаган. Ҳатто, унинг томонидан, дейди Навоий, «...илтифот ва ижтимом юзидин баъзи маъниларни топиб назм қилурға ҳукмлар ҳам жорий бўлди ва сўз услубиға тайинлар ва адосиға таълимлар ҳам изҳори бўлди».

Ҳиротдаги қайноқ адабий муҳитда Ҳусайн Бойқаронинг ўзининг ҳам ижоди камолотга эриша борди.

Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасининг саккизинчи мажлисида шоир шеъриятининг дунёвийлик руҳи, образларнинг гўзаллиги, ўхшатишларнинг ҳаётийлиги, кечинмаларнинг жозибадорлиги, услубнинг равон ва жарангдорлиги, поэтик кашфиётларнинг салмоқдорлиги, ошиқона кайфиятнинг таъсирчанлиги бирмабир кўрсатиб берилади.

Ҳусайн Бойқаро 1485 йилда бир насрий рисола ҳам ёзган. Унда жумладан Жомий ва Навоийлар сиймоси, ижодларининг етакчи хусусиятлари юзасидан ажойиб фикрларни билдиради, улар билан бир даврда, бир мамлакатда яшаётганидан оллоҳга шукрлар қилади: Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг «Хазойинул-маоний»си ҳамда «Хамса»сига юксак баҳо беради ва ёзади:

Эрур сўз мулкининг
кишварситони,
Қаю кишварситон,
хусравнишонким,
Дема хусравнишонким,
қаҳрамони,
Эрур ғар чин десанг
соҳибқирони».

С. ҒАНИЕВА,
филология фанлари номзоди.

Султонали Машҳадий

Алишер Навоий XV асрда адабиёт ва санъатнинг турли соҳаларида бўлганидек ҳаттотлик ва китобат иши ривожига ҳам буюк ҳисса қўшди. Унинг ташаббуси ва ҳомийлигида қатор истеъдодли ҳаттотлар фаолият кўрсатдилар. Султонали Машҳадий, Абдулжамил Котиб, Али ибн Нур, Султон Муҳаммад Хандон, Дарвеш Муҳаммад Тоқийлар Навоий даври Ҳирот ҳаттотларининг йирик намояндалари ҳисобланадилар. Бу ҳаттотлар орасида айниқса Султонали Машҳадийнинг хизматлари каттадир. Султонали Машҳадий Ҳирот ҳаттотлик мактабининг раҳбари, Алишер Навоийнинг шахсий котибларидан бири эди. У «Қиблатул — куттоб» («Котиблар пешвоси») ва «Султонулхаттотин» («Хаттотлар султони») унвонларига сазовор бўлган.

XV аср Ҳирот хаттотлари орасида Алишер Навоий асарларини энг кўп китобат қилган Султонали Машҳадийдир. Жаҳон қўлёзма хазиналари бўйича Навоий асарларидан Султонали кўчирган ўн иккита қўлёзма фанга маълум. Султонали 1465—66 йилда Ҳирот шаҳрида Алишер Навоий ижодининг илк маҳсули — унинг мухлислари томонидан тузилган шеърлар тўплами (бу тўплам навоийшуносликда «Илк девон» деб аталади)ни кўчиради. Бу қўлёзма Ленинград Давлат халқ кутубхонасида сақланади. 143 варақдан иборат бу китоб бошдан-оёқ олтин суви, рангин нақшлар билан безатилган. Яна шу Ленинград кутубхонасидаги «Хамса» қўлёзмасини ҳам Султонали кўчирган. Қўлёзма 1592—98 йилда китобат қилинган. Ленинград кутубхонасидаги Султонали қаламига мансуб учинчи қўлёзма «Мажолисун-нафоис»дир. Унинг санаси қўйилмаган. Тахминан XVI аср бошларига мансуб.

Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик илмгоҳи хазинасида Султонали кўчирган Навоий асарларидан тўрт қўлёзма мавжуд. Биринчи қўлёзма Навоийнинг ўзи тузган иккинчи девони — «Наводирун-ниҳоя» бўлиб, 1475-80 йиллар орасида кўчирилган. Қолган уч қўлёзма терма девонлар шаклидадир. Ҳар уччала терма девон XV аср охири ва XVI аср бошларида Ҳиротда китобат қилинган.

Хорижий фондларда Султонали Машҳадий кўчирган Навоий асарлари қўлёзмаларидан бештаси маълум. Биринчиси — Истамбулда Тўпқопи кутубхонасида сақланаётган «Хамса» қўлёзмасидир. Бу нусха 1494-95 йилда кўчириб тугатилган. Иккинчи қўлёзма ҳам «Хамса» бўлиб, инглиз қироллигининг Лондон яқинидаги Виндзор сарой кутубхонасида мавжуд. Китоб 1491—92 йилларда кўчириб тугалланган. Хориждаги учинчи қўлёзма «Хазойин ул-маоний»нинг 819 варақдан иборат улкан бир нусхасидир. XV аср охирида кўчирилган бу китоб ҳам Виндзор сарой кутубхонасида «Бухоро қўлёзмаси» номи билан сақланади. Тўртинчи қўлёзма терма девон шаклида бўлиб, 1500 йилда китоб қилинган. Бу нусха Нью-Йоркдаги Метрополитен санъат музейида сақланади. Ниҳоят, бешинчи қўлёзма ҳам терма девон шаклидадир. У Оксфорд университети Бодлеян кутубхонасида.

Илк девон. 1465-66 йиллар. Хаттот Машҳадий.

Умуман Султонали қўли билан кўчирилган ва бизгача етиб келган қўлёзмалар жаҳон бўйича эллиқдан ошади.

М. ҲАКИМОВ,
филология фанлари доктори.

НУРОБОД НОНИ

Самарқанд вилоятн Советобод ноҳиясининг маркази — Нуробод нон дўконларида янги маҳсулот пайдо бўлди. Булар жавдари буғдой унидан ёпилаётган «Днепровские» ширин кулчаларидир. Бундай кулчаларни шу ердаги ишчи таъминоти бўлимига қарашли нон комбинатининг новвойлари ёпа бошлашди.

Ҳозир комбинатда ҳаммаси бўлиб йигирма хил қандолат маҳсулоти тайёрланяпти. Булар хилма-хил тортлар, печеньелар, ширинликлар, ширмой нонлардир. Бу ерда ёпиладиган жуда ҳуштаъм ва чиройли нонларнинг ҳам бутун вилоятга донғи кетган.

Янги йилда нурободлик новвойлар ўз маҳсулотларн турини янада кўпайтиришни режалаштиришмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).



ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг иммунология илмий-тадқиқот институтининг Тошкентдаги филиали ходимлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга катта ҳисса қўшишяпти.

Суратларда: 1. Эксперементал клиник иммунотоксикология лабораториясида. 2. Лабораториянинг кичик илмий ходими Насиба Солиҳова.

С. ВЕЛИЧКИН туширган суратлар (ЎзТАГ).

Меҳр-шафқат— инсоний фазилат

САХОВАТЛИ КИШИЛАР

Улуғ Ватан урушидан кейинги йиллар эди. Озиқ-овқат магазинларида ун, нон етишмасди. Одамлар эрта тонгдан навбатда туришиб, жанжал, тўполон бўлиб кетарди. Ишчилар, қурувчилар эса ун ололмай қийналишарди.

1950 йил магазин мудири Алижон Сиддиқов янги қурилаётган гидролиз заводига бориб, тушлик вақтида ишчилар учун кўчма савдо ташкил қилди. Бундан ҳамма хурсанд бўлди. Кейинчалик кўчма савдо пахта тозалаш заводида, пойабзал, тикувчилик, мебель фабрикаларида, пахта далаларида, чорвачилик фермаларида ҳам ташкил этилди. Савдо ишида бу катта янгилик эди.

Сиддиқовнинг харидор вақтини тежаш юзасидан бошлаган бу ташаббуси «кўчма савдонинг Андижонча усули» деб аталди. Бу хайрли ташаббус кенг қанот ёзди. «Советская торговля», «Труд» рўзномаларида «Сотувчи цехга келди» сарлавҳали мақолалар босилди.

Андижон савдо усули ҳақида ҳужжатли фильм яратилиб, мамлакат экранларида кўрсатилди. Москва, Ленинград, Харьков, Киев, Саратов, Львов, Тбилиси, Боку, Челябинск, Гродно савдо ходимлари андижонликлар усулини маъқул топдилар ва улар ҳам йирик корхоналарда кўчма дўконлар ташкил қилдилар...

Олтмишинчи йилларда Сиддиқовни Андижондаги энг катта — марказий бозорнинг биқинида, гавжум ерга жойлашган «Ёшлик» озиқ-овқат магазинига директор қилиб сайлашди. «Ёшлик» ўз номи билан ёш бўлишига қарамасдан, бозорнинг қари сотувчисидақа «донг» таратган эди: камомадлар, жанжаллар, қўполликдан шикоятлар. Сиддиқовгача ишлаган биронта директор бу ерда саккиз ойдан ортиққа чидамаган.

Сиддиқов бу ерда ўзининг орзуларини рўёбга чиқаришга қарор қилди. Магазинда навбатсиз, алдовсиз, қўполликсиз савдони йўлга қўйишни мўлжаллади ва шунга эришди.

«Ёшлик» базасида сотувчилар мактаби очилди. Мактабни битирган энг қобилиятли кадрлар шу ернинг ўзида олиб қолинди. Кўп ўтмай «Ёшлик» тўла ёшарди.

Сиддиқов «Ёшлик»да ансамбль тузди. Вилоят филармонияси артистлари магазин ҳаваскорларини оталиққа олдилар. Ансамблни магазиннинг номи билан «Ёшлик» деб атадилар. Ансамбль жумҳурият, марказий телевидениеларда кўп чиқиш қилди. Союзлар уйининг Колонна залида ҳам концерт беришди. Болгария билан Польшада сайёр томошалар қўйиб келишди.

Ансамбль 1970 йилда бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва халқ театрлари республика кўригида биринчи ўринни эгаллаб, ўша йили халқ ансамбли унвонини олди. Кейинчалик вилоят Лениннин комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

«Ёшлик» магазин-мактаби атрофида уч юз олтмиш беш нафар андижонлик уруш ногирони бор. «Бу ногирон кишилар магазинга келолмаса, магазин улар ҳузурига боради», деди Сиддиқов. «Ёшлик»нинг моторлашган армияси» (улар 6 та) ҳафтада бир марта ногирон харидорлар уйига буюртма ташийдиган бўлди. Мотороллёрчи ҳаракат қилмаса бўлмайди. Бир кунда ўттизта хонадонга бориш керак. Бунга ёзнинг иссиғини қўшсангиз... чидаган чидайди бундай босим ишда. Аравачани-ку алмашлаб минса бўлади. Лекин вақт танглигини қандай енгиш керак?

Чораси топилди: ҳар бир хонадон учун иккитадан фанер қути ясашди. Қопқоғи худди қаламдондек суриб очилади. устида манзилгоҳ битилган: «Мамадалиев Араб. Пиллакаш кўчаси. 22-уй». Қутининг ичида шишаларга, ўрамларга, қоғоз қопчалар, банкаларга мўлжаланган катакчалар. Магазиндаёқ тахт қилиб қўйилган буюртмаларни эрталабки соат еттидан бошлаб салқинда тарқатишга тушадилар. Қутилар бирбири билан алмашинаверади, «кўчманчи сотувчи» жуда кам вақт сарфлайди, мижоз эса умуман вақт йўқотмайди.

— Турмуш ўртоғим иккинчи гуруҳ меҳнат ногирони бўлиб қолган. «Ёшлик»нинг олийҳиммат жамоаси оиламизга ҳар ойда текинга қирқ сўмлик, яъни 4 килограмм гўшт, 50 килограмм 1-нав ун, 5 килограмм гуруч, 8 килограмм макарон, 3 килограмм ёғ, 600 грамм чой, сут, совун ва бошқа танқис озиқ-овқат маҳсулоти келтириб беради. Биз бу совға учун ташаккур изҳор этамиз. Бундан ташқари «Ёшлик»дан ҳафтасига бир марта ўз пулимизга икки килограмм гўшт олиб турамиз.

Магазин жамоаси олинган фойда ҳисобидан бепул озиқ-овқат билан таъминлаётган бундай оилалар 11 та. Улар орасида Улуғ Ватан урушининг биринчи гуруҳ ногиронлари ва урушда ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларидан: Лутфинисо Эрматова, Ҳодибой Зарипов, Тўйчибой Раҳимов, Иван Петрович Зимин ва бошқалар бор.

Улуғ Ватан урушининг биринчи гуруҳ ногиронн Назиржон Раҳимов, байналмилалчи жангчи, биринчи гуруҳ ногиронн Александр Хасенко ҳам «Ёшлик»чиларни мақташдан чарчамайди.

Ногирон-пенсионерлар орасида хурсандчилик кунлар кўп бўлади. «Ёшлик»чилар бундай тантаналарни ўтказиб Мотороллёрнинг овозини эшитиб, орқасидан «раҳмат, ўғлим» деб қолишга улгурса бўлади. Сотувчи эшикнинг тагига қўйилган бўш қутнни олади, тўласини қолдиради — ҳисоб-китоби ичида. Шу уч-юз олтмиш беш харидор «Ёшлик» билан ойда бир марта — пенсия олган кунлари ҳисоблашади.

Андижон шаҳар, Шаҳрихон кўчаси 218-уйда яшовчи ўн нафар фарзанднинг онаси Арофат Мирзаева «кўчма дўкон» хизматидан нақадар миннатдор эканини айтиб берди:

— Мен ёрдам фонди тузишни таклиф қиламан, — деди Сиддиқов, — чунки мени шу ерда ҳаётга қайтаришган.

Ўз-ўзидан маълум, у ниятига етди. Вилоят Қизил Хоч жамияти унинг ютуқ чиққан заёмини қабул қилди. Вилоятнинг «Рабочий край» рўзномаси «Андижонлик саховатли киши» сарлавҳали мақола берди.

— Яхшиси, сизлар менга бир ишда ёрдам беринглар, — деб илтимос қилди, Сиддиқов. — Госпиталь жойлашган уйни тополмаяпман. Ўша ҳамшира ҳам, эҳтимол, шу ерлардадир...

Рўзнома қидирув эълон қилди. Бироқ ҳеч ким дарак бермади. Озғин, қарийб русчани билмайдиган йигитни ҳеч ким эслаёлмади.

Орадан қирқ йил ўтди. Сиддиқов эса ҳамон ҳамширадан хат кутади...

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Меҳрибонлик уйларидаги болаларнинг ҳаётини ёритиш, уларнинг ҳаётини яхшилашга ёрдам бериш, ҳамкорлик ва ҳомийлик ишларини ривожлантириш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ижро этиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 29 декабрдаги 1000-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлигининг 1990 йил 29 декабрдаги 1/1-сонли буйруғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги